

Ўзбекистон шаҳарлари тарихи
История городов Узбекистана

Д. А. АЛИМОВА, М. И. ФИЛАНОВИЧ

ТОШКЕНТ ТАРИХИ

(қадимги даврлардан бугунги кунгача)

ИСТОРИЯ ТАШКЕНТА

(с древнейших времен до наших дней)

«ART FLEX»
Тошкент — 2007

633(59)
A50

Масъул муҳаррир:

ЎзР ФА академиги Ю.Ф. Буряков

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори Р. Х. Сулаймонов,
тарих фанлари доктори Д. Х. Зиёева

Алимова, Дилором Агзамовна

A50 Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача)/
Д. А. Алимова, М. И. Филанович; [Масъул муҳаррир Ю.Ф. Буряков].
Т.: «ART FLEX», 2007. — 168 б. — (Ўзбекистон шаҳарлари тарихи).

Титул varaғи ва матн параллел ўзбек ва рус тилларида.

И. Филанович, М. И.


Китоб муаллифлари — таниқли олимлар, тарих фанлари доктори, профессор Д. А. Алимова, тарих фанлари номзоди М. И. Филанович ўқувчиларни Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Тошкент шаҳрининг тарихи билан таништиради. Китоб тарихий манбаларни, сўнгги йиллардаги археологик кашфиётларни, шунингдек, Республикамизнинг Мустақиллик йилларида эришган ютуқларини хар тарафлама ўрганиш асосида ёзилган.

Китоб кенг ўқувчилар оммаси учун қизиқарли туҳфа бўлади.

Авторы книги — известные ученые, доктор исторических наук, профессор Д. А. Алимова, кандидат исторических наук М.И. Филанович, знакомят читателя с историей столицы Республики Узбекистан — г. Ташкента, одного из самых древних городов Центральной Азии. Книга создана на основе всестороннего анализа исторических источников, материалов археологических открытий последних лет, а также достижений Республики за годы Независимости.

Книга представляет интерес для широкого круга читателей.

ББК63.3(5У-2Ташкент)



ISBN 978-9943-301-08-5

© «ART FLEX» нашриёти, 2007

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинишига ва унинг 2200 йиллигига бағишланади

ТОШКЕНТ ТАРИХИ

(қадимги даврлардан бугунги кунгача)

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти жойлашган Тошкент вилояти ғарбий Тянь-Шан нишабликлари-дан бошланиб, Сирдарё сари чўзилган улкан тоғ олди текислигининг даралар билан ажралган бир қисмини ташкил этади. У шарқда учта: Угом, Пском ва Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, уларнинг бағридан ана шу номлар билан аталадиган учта тоғ дарёси оқиб ўтади. Ушбу дарёларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган Чирчиқ дарёси Чорвоқ сув омборининг тор дараси бўйлаб, Ғазалкент этагидан оқиб ўтади. Бу маскан қадимдан мавжуд бўлиб, у жойлашган майдоннинг эни айрим жойларда 20 километрдан ошади. Ғарб томондаги Чирчиқ водийси бамисоли кенг амфитеатрга ўхшаб, Қизилқумнинг оташ нафасига ўз кўксини очиб туради. Ушбу ҳудуддаги экинзорларнинг шимолий қисми ҳозирги Чирчиқ ўзани, жанубий қисми эса водийга ёриб кирган Оҳангарон дарёси-суви билан суғорилади. Ушбу паст текислик Ўрта Осиё деҳқончилик воҳасининг чекка минтақасини ташкил этади. Чирчиқ ҳавзасидан шимол томонга қараб яйловларга бой бўлган чексиз даштлар бошланган.

Чирчиқ дарёси ҳавзаси — Ўрта Осиёдаги энг қадимги деҳқончилик ва шаҳар цивилизациялари бешигидир. Тошкент номи билан аталадиган воҳанинг пойтахт маркази ана шу ҳудуд

доирасида вужудга келган ва асрлар давомида турли сабабларга кўра жойдан жойга кўчирилиб турган.

Тошкент воҳаси барча даврларда сувга сероб бўлган. Тарихий таркиб топган каналлар тизими туфайли шаҳар ҳеч қачон сувга муҳтожлик сезмаган. Буни ўрта асрлардан то XIX асргача Тошкент тўғрисида қалам тебратган муаллифлар ҳам доимо таъкидлаб ўтишган.

Бир неча юз минг йиллар муқаддам ушбу заминда ҳозирги инсонларнинг илк аجدодлари ҳаёт кечирган. Ўша даврларда бу ернинг иқлими ҳозирги иқлимдан унча фарқ қилмаган. Жазирама ёз йиллик ёғингарчилик миқдорининг асосий қисми тўғри келадиган қаҳратон қиш билан алмашилиб турган.

Тоғ қияликлари, текисликлар ўт-ўланларга ва ёввойи ҳайвонларга жуда бой бўлиб, қадимги одамлар ана шу ҳайвонларни овлаб ҳаёт кечирганлар. Уларнинг кўплари, жумладан, яқин даврларда йўқолиб битган архор, жайрон, қулон, оҳу, шунингдек аллақачон йўқолиб кетган жунли каркидон, ғор айиғи, арслон тўғрисида ушбу ҳайвонларнинг илк одамлар манзилгоҳларида топилган суякларига қараб фикр юритиш мумкин.

Бу заминда бундан олти юз минг йилдан зиёдроқ вақт илгари пайдо бўлган овчилар ва у-бу нарсa йиғувчиларнинг илк қабилалари ғорлар ва тоғларнинг бостирма сифат жойларида макон қурганлар, дарёлар ва ер бағридан қайнаб чиқаётган чашмалар бўйида очиқ шаклдаги қўналғалар барпо этганлар. Улар ҳозирги Тошкент ҳудудида ҳам аниқланди. Қадимги замонлардан Тошкент атрофидаги текисликда қадимги инсонлар ўтроқ бўлиб яшаганлар. Тошкентдаги Бўзсув қирғоғида, Қўшилиш деган жойда чақмоқтошдан ясалган қурол-яроғлар, хусусан моҳирона ясалган кураклар, пичоқлар, бигизлар, ов ва меҳнат қилишда ишлатиладиган чопиш ва кесиш қуроллари топилган. Ҳайвонларнинг суяклари орасида тоғ такаси ва ҳўкизларнинг ҳам суяклари топилдики, мутахассисларнинг фикрича, улар аллақачон қўлга ўргатилган эди.

Тошкент воҳаси ҳудуди ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш маконларидан бири ҳисобланади. Эрамиздан олдинги III минг йилликдан бошлаб бу ерга чорвадорлар кўчиб келиб ўрнашганлар ҳамда бронзадан меҳнат қуроллари ва жанговар қурол-яроғлар ясашни ўрганиб олганлар. Археологлар Тошкент ҳудудининг ўзидаги ва унинг атрофидаги қўплаб даҳмаларни ўрганиш чоғида шуни аниқладики, дафн этилган марҳумлар ёнига бронзадан ясалган асбоб-ускуналар, қурол-яроғлар, зеб-зийнат буюмлари ва идишлар ҳам қўйилган. Бундай даҳмалар Тошкентдаги шампан виноси заводи ҳудудида, Қорақамиш ариғи бўйида топилди, Серкали деган жойда эса саҳройи чорвадорлар ва отбоқарларнинг манзилгоҳлари мавжуд бўлганлиги аниқланди. Бу ерда меҳнат қуроллари орасида зеб-зийнат буюмлари — ҳар бир учиди илоннинг боши тасвирланган кумуш ҳалқали билагузуклар топилди.

Бундан 3 минг йилча муқаддам ҳозирги Тошкент воҳасида дастлабки деҳқонлар пайдо бўлиб, улар ҳам чорвачилик билан шуғулланганлар. Текисликлар, адирлар ва тоғ этаклари деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиklarини ривожлантириш учун ниҳоятда қулай шарт-шароит яратган.

Ҳозирги Тошкент жойлашган ҳудуд воҳанинг маркази ҳисобланиб, унинг табиий равишда ажралиб чиққан сув тармоқлари сунъий суғориш учун қулай негиз яратган. Деҳқонлар каналларга туташган табиий ирмоқлар барпо этганлар. Текисликларда илк бор ўтроқ бўлиб яшаганлар сунъий суғоришнинг ҳали ибтидоий усулларида фойдаланаётган бўлса-да, ариқлар бўйидаги қайир ботқоққа айланган ерларга экин экиш учун ишлов берганлар ҳамда оқимни пасайтирган ҳолда сел сувларидан фойдаланганлар. Суғоришнинг бундай ибтидоий усули «қўлтиқли суғориш» деб аталган. Табиийки, деҳқонларнинг бундай қабилавий гуруҳлари шу заминда, аввало, ариқлар бўйидаги ҳудудларда ўтроқ бўлиб яшаётган кечаги чорвадорлар эди. Улар даставвал тоғ сойлари туташиб кетган Оҳангарон дарёси бўйларида ўтроқ бўлиб яшаганлар.

Бундан уч минг йиллар муқаддам ҳозирги Туябўғиз сув омбори жойлашган ҳудудда дастлабки деҳқонларнинг зич жойлашган манзилгоҳлари мавжуд бўлган. Уларнинг моддий маданиятига доир буюмлар илк бор Бурганлисой ёқасида топилиб, бурганли маданияти деб аталади. Бу ибтидоий манзилгоҳ синчқори деворли ва енгил-елпи ўралган ярим ертўла типигаги уйлардан иборат бўлган. Марказий манзилгоҳ хом гиштдан тикланган деворлар билан ўралган. Ўчоқ ва дон-дун сақланадиган ўрага эга бўлган ҳар бир ертўлада бир оила яшаган. Манзилгоҳлар аҳолиси лойдан ясалган кўзалардан фойдаланганлар, бу идишлар мато андозада қўлда ясалган, яъни ҳамма томонга қум аралаш лой суваб чиқилган, шунинг учун ҳам бундай идишларнинг тубида газламаларнинг излари кўзга ташланади. Идишлар қуритилгандан сўнг қумлар тўкилган, идишлар пиширилиб, уларга нақшлар солинган. Дон тош ёрғучоқларда майдаланган. Бурганли манзилгоҳларида яшаганлар моҳир темирчи ҳам бўлишган. Улар тошдан пичоқлар, ўроқлар, ёйларнинг ўқларини ва бошқа буюмларни ясаганлар.



Шоштепа. Шахристондаги қазилмалар.

Манзилгоҳлар аҳолиси кўпайгач, бир гуруҳ кишилар ўзлари яшаб турган обод жойларни тарк этиб, тирикчилик ўтказиш учун янги қулай жойларни қидириб кетганлар. Аста-секин Қорақулдуқ ва Жўн ариқлари бўйлаб Чирчиқ дарёси vodiysining бир қисми, жанубда эса Сирдарё бўйидаги ҳудудлар ўзлаштирилган. Бундан 2500 йилдан зиёдроқ вақт илгари ҳозирги Тошкент ҳудудида ҳам ана шундай манзилгоҳлар вужудга келган.

Унинг харобалари Чоштепа кўчаси бўйлаб Шоштепа шаҳристониинг қуйи ҳудудларида мавжудлиги аниқланиб, археологлар томонидан ўрганилган. Шоштепа манзилгоҳида истиқомат қилувчилар, асосан, Жўн ариғи бўйида уй-жой қурганлар. Ариқ сувининг сатҳи деярли қирғоқ билан баробар бўлиб, бу ҳолат сувни далаларга бир мунча қийинчиликсиз чиқариш имконини берган. Тошкент ҳудудидаги дастлабки деҳқонлар ҳам ертўлаларда яшаганлар. Улар ерга тош омовлар билан ишлов бериб, арпа ва буғдойнинг юмшоқ навларини экиб, ҳосилни жез (бронза) ўроқлар билан ўриб олишган. Дон атрофига лой суваб чиқилган ўраларда сақланган ва тош ёргучоқларда янчилиб, унга айлантирилган. Шоштепа манзилгоҳи аҳолиси, асосан, қўй-эчки боқиб тирикчилик кечирган, ёз ойларида чорва моллари тоғ этакларидаги ўтлоқларда боқилган. Хўжаликларда, шунингдек, от, эшак ва туялардан ҳам фойдаланилган.

Аҳоли жездан ташқари темир олишни ҳам ўзлаштириб, улардан меҳнат қуроллари ясаган. Тўқимачилик кенг ривожланган. Жундан ва кунжут толасидан нафис ва дағал матолар тўқилган.

Бу даврда мазкур ҳудудда пахтадан фойдаланиш тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Пахта етиштириш бундан икки минг йилча олдин бошланган.




Шоштепа. Тош ёргучоқ.
Эрампдан олдинги IX—VII асрлар.

Бурганлиликлар табиат кучлари ва ҳосилдорлик маъбудларига сиғинишган. Бу қабила патриархал-уруғчилик муносабатлари босқичида эди. Бу муносабатлар ҳақида зардуштийларнинг муқаддас китоби — Авестонинг илк қисмларида хабар берилади.

Агар биз Тошкент воҳаси тарихининг архаик босқичлари тўғрисида археологларнинг қазишмалари асосида билимга эга бўлсак, ушбу минтақанинг VI асрдан бошлаб то эрамизгача бўлган тарихини ёритиш учун ёзма манбалардаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Бу, энг аввало, юнон ва рим муаллифлари ёзиб қолдирган маълумотлар бўлиб, уларда Ўрта ер денгизи оламининг шарқий ҳудудларидан узоқда яшаган қабилалар ва халқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ахамонийлар сулоласидан бўлмиш Эрон шоҳлари қолдирган битикларда, шунингдек, Авестода ҳам бу ҳақда маълумотлар мавжуд. Ушбу манбалардан Сирдарёнинг қадимги номи Яксарт ёки Якшарт эканини билиб оламиз. Эрамизгача бўлган II асрга оид хитой йилномаларида айтилишича, кейинги даврларда Сирдарё Йоша ёки Жавоҳирлар денгизи деб аталган.

Антик манбаларда Сирдарё ҳавзаси сак қабилалари жойлашган ҳудудларга мансуб деб ҳисобланган, бу ҳудуд Евроосиёнинг чорвадор қабилалари ўтроқлашган улкан массивнинг бир қисми эди. Тарихчилар отаси, юнон Геродот эрамизгача бўлган V асрда «Саклар — скифдир», деб таъкидлаган эди. «Суғдиёна (Зарафшон водийси ва Сирдарёнинг чап қирғоғи) ортида саклар яшайдилар, улар ўқ-ёй билан урушадилар, дунёда энг моҳир ўқчилар бўлиб, ўқларини зое кетказмайдилар», дея қўшимча қилади Дионисий Перегизт. Яксарторти саклари тўғрисида Страбон ва Плинийлар ҳам ёзиб қолдирганлар. Қадимги форс битикларида сакларнинг бир неча гуруҳлари тилга олинган бўлиб, улардан «тиграхауда саклари (учли қалпоқдилар) ёки турли анъанавий (ридуал) маросимлар учун кайф қилдирувчи хаом ичимлиги



Шоптепа. Эрамиздан олдинги II асрдаги тарҳи.



Шоптепа. Йўлак. Умумий кўриниши.

тайёрловчи «хаомаварг саклари», одатда, Сирдарё ортини маскан этардилар. Яксарторти саклари зардуштийларнинг муқаддас китоби — Авестода «қудратли турлар» деб аталган.

Қадимги муаллифлар Яксарт дарёсини жанубдаги суғдарни шимолдаги саклардан ажратиб турувчи чегара деб кўрсатадилар, лекин айна чоғда саклар суғдар — ўтроқ бўлиб яшовчи деҳқонлар ва шаҳарликлардан кўчманчи тарзда ҳаёт кечиришлари билан фарқланишини таъкидлаганлар. Шунини қайд этиш жоизки, археология ушбу тасаввурларга жиддий ўзгартиришлар киритди, яъни бурганли манзилгоҳлари ўтроқ деҳқонларга мансублиги аён бўлди. Тошкент ҳудудидаги биринчи ўтроқ аҳоли ҳисобланган бурганлиликларни яксарторти сакларининг деҳқончиликка ўтган қандайдир бир гуруҳларига мансуб дейиш мумкин. Аҳолининг мустаҳкам ўтроқ бўлиб яшаган доимий манзилгоҳлари, одатда, шаҳарга ўтишнинг бошланганидан далолат эди.

Сирдарёнинг қуйи воҳаларидан кўчиб келганлар кўҳна Тошкент заминиди шаҳарлар барпо этишнинг ҳақиқий усталири эди. Улар хом гишт ва пахсадан уй-жой қуришда тажрибага эга эдилар. Эрамизгача бўлган II асрларда хоч (крест) шаклида, оригинал тарзда планлаштирилган, ҳалқа деворлар билан ўралган иморатлар қуриш урф бўлган эди.

Археологлар хом гишздан тикланган деворлар, йўлаклар арки, деворлари қизил рангга бўялган туташтирувчи хоналарни топдилар. Бинонинг ғаройиб тарздаги тарҳи унинг махсус мақсадлар учун мўлжалланганини — оловга сиғинувчилар ибодатхонаси эканини, бу ибодатхона крест (ҳоч) ва доирани бирлаштириш принципи бўйича қурилган бўлиб, бу қуёшнинг қадимги рамзи эканини кўрсатади. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида яшаган халқлар айнан қуёшга сиғинганлар ва унга отларни қурбонлик қилганлар. Геродотнинг сўзларига қараганда, худоларнинг энг учқурига ҳайвонларнинг энг учқури инъом этилган. Массagetлар маликаси Тўмарис ҳам босқинчи ахамонийлар подшоҳи Кирдан ўч олиш учун Қуёшга илтижо қилган. Шоштепадаги крест шак-




Шоштепа. Эрамиздан олдинги II асрдаги туйнукли девор.

лидаги бинони тадқиқ этиб, шундай хулосага келиш мумкин-ки, кўчманчи аҳоли ҳам, Тошкент воҳасидаги шаҳарларнинг биринчи аҳолиси ҳам қуёшга сифинувчилар бўлган.

Тошкентда шаҳар тарихининг бошланишини эрамиздан олдинги II аср охирига мансуб ёзма манбалар ҳамда Салор канали бўйида (ҳозирги шимолий вокзал яқинида) жойлашган Мингўрик шаҳристонини тадқиқ этиш ёрдамида аниқлаш мумкин. XIX асрда бу ерда ўрик дарахтлари барқ уриб ўсиб турганки, бу қадимий шаҳристон харобалари Мингўрик деб номланишига сабаб бўлган.

Археологлар шуни аниқладиларки, мазкур шаҳар юксак қасрли мустаҳкам қалъалар ҳамда деворлар билан ўралган шаҳар ҳудудидан иборат бўлган. Шаҳарнинг илк истеҳкомлари эрамиздан олдинги I аср охирида — эрамизнинг I асри бошида барпо этилган. Мазкур шаҳар Шоштепадан топилган дастлабки шаҳар манзилгоҳининг вориси ҳисобланади, яъни ша-



Минг'урик. I—XIII асрлардаги шахристон тарҳи.



Минг'урик. Қазिशмалар. Умумий кўриниш.



Қовунчи маданиятига мансуб
идиш. Эрамизнинг
I—II асрлари.



Жонзотлар қиёфаси тасвирланган дастали
идишлар. Қовунчи маданияти.
Эрамизнинг I—IV асрлари.

ҳарсозлик эстафетасини ундан қабул қилиб олган дейиш мумкин. У ўзининг дастлабки деворларидан ташқарида жадал суръатда кенгайиб борган ва ушбу деворлар эса мудофаа аҳамиятини йўқотиб, янги қурилишлар учун юксак пойдеворларга айланган.

Илк хитой солномаси бўлмиш Ши-цзи гўё Тошкентнинг ўтмиши устидаги пардани қия очгандай бўлади. У эрамиздан олдинги 138 йилда юэчжлар ҳузурига — Ўзбекистон жанубидаги қабилалар ҳузурига юборилган хитой элчиси Чжан Цзяннинг битиклари асосида тузилган. Мазкур элчи шимолдан жанубга борар экан, Ўрта Осиёнинг устидан ўтади ҳамда хитойликларга ўзи кашф этган бу мамлакатни «Ғарбий ўлка» деб таърифлайди. Ши-цзи Фарғонадан ғарб томонда жойлашган Кангюй ёки Канзюй давлатини эслатиб ўтади. Кангюй Сирдарёнинг қирғоғидаги даштларни босиб олиб, ўз сарҳадларини Орол денгизигача кенгайтиради, жанубда эса у Кушон давлати билан чегарадош эди. Кангюй Авестода Кангх деган ном билан, яъни «муаззам ва муқаддас», дея тилга олинади. «У Джаову хонадонини»га мансуб сулола томонидан бошқарилган. Ушбу давлатнинг маркази Тошкент воҳаси ҳисобланади. Аста-секин давлат турфа тилларда сўзлашувчи қабилаларнинг

қудратли иттифоқига айланади, у «бешта кичик мулк» деб аталган шаҳарлар мавжуд бўлган деҳқончилик воҳалари устидан ҳукмронлик қиларди. Улар орасида Юни деган мулк ҳам мавжуд бўлиб, у ҳозирда Сирдарё (Яксарт, Йоша) нинг ўрта оқимидаги улкан воҳа билан айнан бир хил деб қаралади. Мазкур воҳа Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг суви билан суғорилган. Унинг пойтахти бўлиш учун Оҳангарон водийсидаги 160 га майдонни эгаллаган улкан Қанқа шаҳристони даъвогарлик қилиши мумкин эди. Худди ана шу шаҳристон Хитой солномаларида тилга олинган қадимги Юни шаҳри эди, бу шаҳар бир қанча вақтлардан кейин Ши деб атала бошлади. У, эҳтимол, Кангюй давлатининг қишки пойтахти бўлган бўлса керак. Даврлар ўтган сайин Ши воҳасининг маркази шимолга, ҳозирги Тошкент ҳудудига, илгари Мингўрик мавжуд бўлган шаҳарга кўчди.



Қанқа. Шаҳристоннинг умумий кўриниши.

Энг қадимги хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, Ши шаҳри округда 10 лига эга эди, ундан кейинги даврга мансуб манбаларда эса фақат 3 лига эга бўлганлиги кўрсатилади. Равшанки, ўз манзилини ўзгартирган айнан бир пойтахт ҳақида сўз бораётир. Биринчиси — илк пойтахтни Қанқа (Юни, Ши) шаҳристони билан қиёслаш, иккинчиси, унинг вориси эса Тошкент (Чоч, Дже-Ше, Ши) ҳудудида мавжуд бўлганини қайд этиш мумкин. Пойтахтнинг кўчирилиши сабабларидан бири асосий савдо йўллари — Буюк Ипак йўли тармоқларининг шимол сари силжишидир деб ҳисоблаш мумкин, эндиликда бу тармоқлар Улкан саҳро четлари бўйлаб Еттисойдан Оролбўйигача ўтади. Манбалардан маълум бўлишича, Кангюй кичик мулкларга парчаланиб кетгач, эрамизнинг III асри — IV аср бошларида мустақил кичик давлатга айланди ва Кангюйнинг вориси бўлиб қолди.

Эрамизнинг III асри иккинчи ярмидан мазкур давлат ҳукмдорлари ўз тангаларини зарб эттира бошлади. Давлат девонхоналарида суғд ёзувидан фойдаланиларди, бу ҳақда нафақат тангалар, балки ёзувларга доир топилмалар ҳам гувоҳлик беради. Айни ана шу топилмалар ёрдамида Чачанап давлатининг (халқ ёки Чачанап мамлакати) номланиши тўғрисида билиб олдик. Шунингдек, улар мазкур давлатнинг сарҳадларини ҳозирда Жанубий Қозоғистон ҳудудида ўрганилган қатор шаҳарлар ва қалъалар ўраб олганлигини кўрсатади.

Кангюйнинг собиқ конфедеративлари бўлган шахслар томонидан йўлланган давлат амалдорлари кўчманчилар даштлари билан чегараларнинг демаркациясини зийраклик билан кузатиб борганлар, бу ҳақда чегаралардаги қалъалар дарвозаларига ўрнатилган махсус устунлардаги ёзувларда маълумотлар келтирилади.

Чоч географик ном сифатида илк бор сосонийлар подшоҳи Шопур I нинг эрамизнинг 262 йилида Эрондаги «Зардушт каъбаси»да ўйиб ёзилган битикномасида тилга олинган. Унда Чоч тоғлари сосонийларнинг Шарқдаги мулкларининг сўнгги сарҳадлари деб аталган.



Қанқа. Ибодатхонанинг марказий зали. VI—VII асрлар.



Қанқа. Отлиқ тасвирланган плитка.
Эрамининг VI—VII асрлари.



Қанқа. Муסיқачи аёл
тасвирланган рельеф.
Эрамининг
VI—VII асрлари.



Қанқа. Буллалар (муҳрлар
тасвири)
Эрамизнинг V—VI асрлари.



Тошкент.
Эрамизнинг III ва VII—VIII
асрларидаги тангалар.

Эрамизнинг V асрида Чачанап Ўрта Осиё ҳудудида улкан давлат барпо этган эфталитлар томонидан босиб олинган. Эрамизнинг VI асрида ушбу мамлакат жануб томондан бостириб келган сосонийларнинг, шимол тарафдан қабилаларнинг янги қудратли бирлашмаси — Турк хоқонлигининг зарбалари остида вайрон бўлган.

Маҳаллий номларнинг хитойчада «Дже-Ше» ва «Ши» (иероглиф «тош» маъносини билдиради) тарзда ифодаланиши Тошкентнинг туркча номи — «тош шаҳар»да ҳам ўз аксини топди. Бу ном кўчма маънода экани аниқ. Чунки шаҳар ҳеч қачон тошдан барпо этилмаган. Бу ташбеҳ кўпроқ Чоч аҳолисининг душманларга қарши курашда кўрсатган жасорати ва матонатини акс эттирган. Шаҳар Авестода тилга олинган «қудратли турлар» мамлақатида вужудга келганини эслатиб ўтиш ўринли. Эҳтимол, бу номда Чотқол—Қурама тоғларининг ярим қимматбаҳо тошлар, жумладан, ферузага бойлигига ишора ҳам ўз аксини топгандир.

Мўғулистондан то Олтойгача бўлган ҳудудни эгаллаган Турк хоқонлиги фарбий йўналишда кенгая бошлайди. 555 йилда Истем (юнонча Синжибу) хоқоннинг акаси фарб сари катта юриш бошлади. У ўз таъсирини то Фарбий денгиз (Орол)гача, жанубда эса

сосонийлар ҳукмрон бўлган Эрон сарҳадларигача ёйди. Чоч, Парак (Чирчиқ)нинг бутун ҳудуди Фарғона, Самарқанд, Кеш ва Нахшаб (ҳозирги Қашқадарё) Истем хоқон ҳукмронлиги остида қолди. Бу йиллар Чоч учун оғир даврлар бўлди, чунки туркларнинг эфталитлар билан кураши ҳам унинг ҳудудида бўлиб ўтди. «Шоҳнома» муаллифининг хабар беришича, Сирдарё бўйида бўлган жанглarning бирида «Чочдаги отлиқ аскарларнинг қони жўшқинлигидан дарё суви лолагун тусини олади».

Асосий воқеалар воҳанинг жануб қисмида ҳамда кейинчалик жанубда содир бўлади. Чочнинг Қанқадаги дастлабки пойтахти айнан ўша кезларда талафот кўради. Қанқадаги бу шаҳар аҳоли кўзғолонларини бостириш чоғида вайрон этилади. Бироқ Чоч воҳасининг шимолий ҳудудлари, яъни Ўрта Чирчиқ ҳавзаси ҳақида бундай деб бўлмайди. Аксинча, ҳозирги Тошкент ҳудуди тез суръатларда ўзлаштирила борди. VII аср бошидан Мингўриқдаги шаҳар Чоч пойтахти мақомига эга бўлди.

Чотқол—Қурама тоғларидаги руда конлари бойликларининг жадал қазиб олиниши шаҳарнинг иқтисодий юксалишида муҳим омил бўлди, у ерда «Чочнинг кумуш кони» ишлаб турган. Шунингдек, феруза ҳамда темир қазиб олинган. Асосий карвон йўллари ҳамда халқаро транзит савдонинг маркази шу томонга кўчиши ҳам Чочнинг юксалишига қулай шароит яратган.

Эрамининг VI асри охиридан бошлаб Чоч Истем хоқоннинг ўғли Қора-Чурин-турк (Тартушхон ёки Бияга) мулки таркибига кирди. У хоқонликдаги энг қудратли ҳукмдорлардан бири эди. Дастлабки пайтларда Чоч маҳаллий сулолага мансуб ҳукмдорлар томонидан бошқарилди, улар эндиликда бошқа сулола тамғаси акс эттирилган ўз тангаларини зарб этишни давом эттирдилар.

605 йилда Шегуйхон даврида чочликлар марказий ҳукуматга қарши кўзғолон кўтардилар. Кўзғолон бостирилгач, бу юртга «тудун» лавозимига эга бўлган турк ноиб жўнатилди.

Унинг асосий вазифаси хоқонлик фойдасига олинадиган солиқлар йиғишни назорат қилишдан иборат эди.

VII—VIII асрларда Чоч аҳолисининг таркиби ранг-баранг эди. Жамиятнинг олий табақасини турклар билан ча-тишиб кетган суғд зодагонлари ташкил этарди. Афтидан, Чочдаги ҳукмрон сулола ҳам аста-секин қурама хусусият касб этади. Бу ҳукмдорлар томонидан зарб этилган тангалар мисолида ҳам якқол кўринади, яъни уларда исмлар ва лавозимлар суғд ёзувида битилган. Бу борада «Туркиш чачан ҳокими» ёзуви битилган танга характерлидир. Ҳокимнинг лавозими икки хил кўринишда: туркчада — «хоқон» ва суғд ёзувида — «мрай» деб ёзиб қўйилган.

Араблар истилоси арафасида Чоч икки давлат — Турк хоқонлиги ва Хитой даъвогарлик қилган мустақил давлат сифатида сақланиб қолди. Бироқ Ўрта Осиёнинг майда ҳокимликлари ўртасида бирлик бўлмаганлиги сабабли VIII аср бошларида Бухоро, Самарқандга бир неча бор юриш қилган ва Чоч сарҳадларига яқин жойда турган янги истилочиларга қаршилик кўрсатиш қийин кечди. Булар араблар эди. Араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим Самарқандни эгаллаши пайтида, аҳоли муваффақиятли қаршилик кўрсатди, қўшни хонликлардан мадад сўраб элчилар жўнатди. Араб муаррихи Табарийнинг сўзларига қараганда, қамал этилган Самарқанд шахрига ёрдам бериш учун Турк ҳукмдори Инея хоқоннинг ўғли бошчилигида деҳқонлар (насл-насаби заминдор зодагонлар)нинг ўғилларидан иборат отряд жўнатилган. Ушбу отряд Самарқандга етиб келмаёқ, пистирмага тушиб қолган ва қириб ташланган, араблар шаҳарни эгаллаган. Чочлик деҳқон аскарларнинг энг сара гуруҳи шу тариқа маҳв этилган бўлса-да, қатор хонликларнинг арабларга қарши иттифоқи кейинги даврларда ҳам истилочиларга қаршилик кўрсатишда асосий зарбдор куч бўлиб қолди. Чоч бу иттифоқнинг энг матонатли ва кучли иштирокчилари сафидан ўрин олган эди.

713 йилда Қутайба лашкарлари Чочга кескин юриш қилди, ўшанда, Табарий сўзларига қараганда, «Чочнинг барча

қишлоқларига ўт қўйилди», лекин унинг ўзи омон қолди. Бундан кейин яна бир юриш қилинди, лекин Чоч араблар ҳокимиятини тан олмади. Ана шундай суронли ва ғулғулали даврда иттифоққа ёрдам қўлини чўзмаган Хитой Чоч устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилди. Хитой қўшинлари 749 йилда Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари ўртасида юзага келган низога аралашиб, Фарғонани қўллаб-қувватлади. Хитой ҳарбий лашкарбошиси Гао Сеньчжи Чоч ҳукмдорини ҳибсга олиб, уни Хитойга жўнатди ва ҳукмдор ўша ерда қатл этилди. Чочнинг ўлдирилган ҳукмдори ўғли араблар томонига қочиб ўтди ва Абу Муслим Зиёд ибн Солиҳ қўмондонлигидаги отрядни бошлаб келди ва ушбу отрядга маҳаллий қабилалар бирлашди. Араблар, чочликлар ва суғдларнинг ушбу қўшини 751 йилда Талас дарё-си бўйида Хитой қўшинлари билан жангга киришди, Хитой қўшинларини фарғоналиклар ва қашқарликлар қўллаб-қувватладилар. Хитой қўшинлари тўла енгилди. Ушбу тарихий жанг Чочнинг тақдирини ҳал қилди ва уни Хитой тажовузидан халос этди. Шу билан бирга, Чоч халифатга бўйсунмади. Эндиликда кўчманчилар дашти билан чегарадош ушбу вилоятга халифат ҳокимиятидан норози бўлганлар, қўзғолонларнинг иштирокчилари, айниқса, «оқ ки-йимлилар» деб аталган кишилар оқиб келган эди. Ушбу вилоятда, бир томондан, ғозийлар — ислом дини учун курашчилар, иккинчи томондан, бу янги диннинг жорий этилишига қарши бўлган кишилар бошпана топган эдилар. Ислом ўтроқ аҳоли муҳотида илдиз отиши учун яна юз йилча вақт ўтди, Сирдарё (Сайхун) ортидаги чорвадор қабилаларнинг ушбу динни қабул қилиши учун эса икки асрдан зиёд вақт ўтиши зарур бўлди.

Ёзма манбалар Чоч шаҳарлари ва унинг пойтахтининг араблар кириб келишидан олдинги даврдаги тузилиши ва хусусиятлари тўғрисида жуда кам маълумотлар беради. Тошкент микроҳоҳасида, яъни ҳозирги Тошкент ҳудудида илк ўрта асрлар даврида 4 шаҳар ҳамда 20 га яқин қаср ва қишлоқлардан

иборат «тугун» пайдо бўлди. Улар орасида пойтахт шаҳар — Мадинат аш-Шош марказий ўринни эгаллади. Қадимий Мингўрик шаҳристонидаги мавжуд харобалари ўрганилган шаҳар араб манбаларида ана шундай ном билан тилга олинади. Араб алифбосида «ч» ҳарфи бўлмаганлиги боис, Чоч «Шош» тарзида келтирилган. Араблар истилосидан олдинги даврда воҳанинг барча ҳудудида шаҳарлар барпо этиш авж олди. Йилномачилар шунга асосланиб, Чочни «минг шаҳар мамлакати» деб аташган бўлса ажаб эмас.

Мингўрикда жойлашган шаҳар VII—VIII асрларда ғоят гуллаб-яшнади. Унинг ҳудуди анча кенгайиб, чор атрофи қалин деворлар билан ўраб олингани археологлар томонидан аниқланган. У қалъа-қўрғон ҳамда шаҳарнинг ўзи — шаҳристонни ўзига бирлаштирган. Қалин пахса ва хом ғишлардан тикланган деворлар билан ўралган қалъалар зина-поялар шаклидаги тўғри бурчакли минораларга эга эди. Қазишлар чоғида уларнинг баландлиги 5—6 метргача бўлганлиги аниқланди, шубҳасиз, улар илгари янада баланд бўлган. Уларнинг қудрати «Шоҳнома»да мадҳ этилган Сиёвуш барпо этган шаҳарлар қудратини эсга олишга ундайди. Қалъа билан ёнма-ён ҳукмдорлар саройини ҳам ўз ичига олган баланд қаср барпо этилди, у бунгача ташландиқ ҳолга келиб қолган кўҳна шаҳар девори устида тикланди. Шаҳар деворининг баланд жойи устида тикланган сарой бутун шаҳар бўйича энг юксак жой эди.

Мадинат аш-Шош шаҳристони Тошкентнинг замонавий бинолари остида қолиб кетди. Фақат айрим жойлардагина дастлабки шаҳарнинг илк тураржойлари ҳамда маданий қатламлари қолдиқлари мавжуд бўлган ва мўъжиза тариқасида сақланиб қолган участкаларини топиш ва тозалаш мумкин бўлди. VII—VIII асрлардаги саройлар мажмуининг қолдиқлари бирмунча тўлароқ тадқиқ этилган. Суғд ва Бақтриядаги мустақил мулкларни бошқарган бошқа ҳукмдорларнинг зеб-зийнат жиҳозлари билан тўлиб-тошган, деворларига чизилган нақшу нигорлар, ҳайкалчалар, ёғоч ўймакорлиги ва гиллар билан

безатилган залларни ўз ичига олган саройлари сингари Чоч ҳукмдорларининг саройлари ҳам дабдабали безатилган эди. Бу ҳақда «Шоҳнома» муаллифининг сўзлари билан шундай дейиш мумкин:

Шаҳарда барпо бўлди энг баланд сарой,

Боғу роғу гулзор, соя-салқин жой.

Айвон деворига чизилган сурат:

Жанглари овлари шоҳлар базмидан берди шаҳодат.

Сарой кўплаб хоналар, жумладан муҳташам зал ва кенг коридорлар, тураржой хоналари ҳамда омборлардан иборат бўлган, шунингдек, саройда, муқаддас оловга сиғиниш билан боғлиқ диний маросимларни адо этишга доир буюмлар ҳам мавжуд эди. Тақдир тақозоси билан бу иншоот оғир кулфатларга дуч келди. Ёнғинлар ва қайта қуришлар унинг безакларини бутунлай йўқ қилиб юборди. Фақат улардан қолган айрим изларгина хоналар деворлари ўша пайтларда Самарқанддаги саройлар сингари «жангу жадаллар, овлар, шоҳлар базми»дан, шунингдек, диний маросимлар ҳамда халқ эпоси сюжетларини акс эттирувчи нақши нигорлар билан безатилганини кўрсатади. Чочдаги нуфузли иншоотларни тадқиқ этиш шунга ишонч уйғотдики, араблар фатҳига мазкур вилоят Ўрта Осиёда маданий ютуқларнинг энг юқори андозаси ҳисобланган суғд маданияти кенг ёйилган минтақага кирган.

Мадинат аш-Шош шаҳристонида монументал типдаги тураржойнинг айрим қисмлари ҳамда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг излари топилган, шаҳардаги уйлар, яшаш хоналари, ошхона ва омборлардан ташқари, куёш меҳробига эга бўлган уйдаги саждагоҳларни ҳам ўз ичига олган. Ҳунармандлар металлни дастлабки қайта ишлаш, шунингдек, металлдан меҳнат қуролилари, қимматбаҳо буюмлар тайёрлаш, даштлардан келтириладиган чорвачилик маҳсулотлари — тери, жунни қайта ишлаш, пахта-жун газламалар,

сопол ва шиша буюмлар ясаш, яримқимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш билан машғул бўлганлар.


Шаҳарликларнинг бир қисми савдо-сотиқ билан шуғулланган. Чоч пойтахти гавжум халқаро савдо маркази бўлган. Тошкентда бошқа юртлардан келтирилган буюмлар, шу ерда зарб қилинган, шунингдек ғарбда — Византиядан тортиб, шарқда — Хитойгача бўлган турли давлатлар ва мулкларда зарб этилган тангаларнинг кўплаб топилиши ана шундан далолат беради.

Чоч пойтахтининг VI—VIII асрлардаги ривожланишининг характерли белгиси шундан иборатки, пойтахт атрофида аҳоли зич жойлашган, кўпдан-кўп каналлар туфайли сувга ғоят сероб бўлган қишлоқ хўжалик музофотлари вужудга келган. Шаҳар атрофида эркин жамоаларнинг манзилгоҳлари, деҳқон (қишлоқ соҳиби, дих сўзидан — қишлоқ) оқсуяк-зодагонларнинг қўрғон ва ҳовлилари, вақф хўжаликлари, қабристонлар, савдо-сотиқ йўллари бўйида эса кичик шаҳарлар жойлашган эди. Микровоҳанинг чекка жойларида, айниқса дашт томонларга қараган жойларида мудофаа истехкомлари тикланган эди.

Илк ўрта асрдан Мадинат аш-Шошнинг барча музофотлари ҳозирги Тошкент ҳудудига кирган. Уни археологик тадқиқ этиш натижасида шаҳар ҳаётини ҳар тарафлама тавсифловчи кўпдан-кўп материалларга эга бўлинди.

Жамиятнинг зодагонлар ҳукмрон табақалари — деҳқонлар алоҳида фарқланиб турган феодал иерархик шаклланиши тарихий топографияда ҳам ўз аксини топган. Ғоят мустаҳкам қилиб қурилган қалъа-қўрғонлар, деҳқонларнинг тураржойлари, уларнинг деворлари пойида эса жамоалар ва бева-бечораларнинг бошпаналари вужудга келганки, булар Чоч пойтахти музофотларининг характерли белгилари ҳисобланарди.


Қалъалар, одатда, каналларнинг бошланиш жойида тикланган бўлиб, уларнинг эгалари сувнинг тақсимланишини назорат қилиб турарди. Ана шундай қалъа-қўрғонларнинг баъзиларига ҳунармандлар, савдогарлар кўчиб келиб ўрнашишлари натижасида кичик шаҳарчалар юзага келади.



Юнусобод Оқтепаси. Тарҳ. Эрамизнинг VII—VIII асрлари.



Юнусобод Оқтепасидаги қазилмалар.



Юнусобод Оқтепаси. Таъмирлангач.



Юнусобод Оқтепаси. Узум янчиш. Эрамизнинг VII—VIII аслари.



Юнусобод Оқтепаси. Деворларни жиҳозлашнинг терракот безаклари.
Эрамизнинг VII—VIII аслари.




Юнусобод Оқтепаси. Пичоқ ва ханжар.
Темир. Эрамизнинг VII—VIII аслари.



Юнусобод Оқтепаси. Портретли терракот плитка.
Эрамизнинг VII—VIII аслари.


Ана шундай кенг манзилгоҳли қалъага Мадинат аш-Шошнинг Юнусобод Оқтепаси музофотидаги манзилгоҳ характерли мисол бўла олади. Маълум бўлишича, бу ҳукмдорнинг шаҳардан ташқаридаги саройли қароргоҳи экан. Қалъа кенг ҳовли ҳамда жанубий қисмдаги асосий иморат — кўшкни ўз ичига олган. Кўшк атрофида олиб борилган қазишлар чоғида у эрамизнинг V—VIII асрларига мансуб, хом ғишт ва пахсадан қурилган, сақланишига кўра ажойиб ҳисобланган меъморий иншоот эканлиги аниқланди. Иккинчи қаватда муҳташам зал бўлиб, у деворга чизилган суратлар билан безатилган, қалъа этагида, деворлар билан ўралган кенгроқ жойда, учта зали, кенг коридорлари бўлган сарой биносининг қолдиқлари топилди. Интерьерлари хом сувоқ устидан чизилган нақшлар билан безатилган, деворлари қизил гил билан қопланган. Марказий зали — тахт ўрнатилган зал. Ушбу залга кириладиган жой-



Чилонзор Оқтепаси. Куйи ибодатхона тарҳи. Эрамизнинг V—VII асрлари.



Чилонзор Оқтепаси.
Эрамизнинг V—VII асрлари.



Чилонзор Оқтепаси. Оташпа-
растлар ибодатхонаси.
Эрамизнинг V—VII асрлари.

нинг рўпарасига, устунлар таянч бўлиб турган гулдор қим-
матбаҳо чодир остига қачонлардир тахт ўрнатилган.

Мадинат аш-Шошнинг ибодат амаллари бажариладиган иншоотларининг хусусияти тўғрисида пойтахтдан тах-
минан 7 км узоқликда, Чилонзор Оқтепасида топилган маж-
муа мисолида мулоҳаза юритиш мумкин. Ибодатхоналар
ташқи қиёфасига кўра қалъалардан фарқ қилмаган. Улар
ҳам туйнуклар мавжуд бўлган миноралар ва қалин деворлар
билан мустаҳкамланган. Эрамизнинг V—VI асрларида Чи-
лонзор Оқтепаси ҳудудидаги ибодатхона-қалъада муқаддас
олов ёқилган. VII—VIII асрларда ибодатхона биноси қайта
қурилган ҳамда 9 метр баландликдаги саҳнда бунёд этилган
очиқ типдаги иншоотга айлантирилган, унинг токчали де-
ворлар билан ўралганлиги буларнинг аجدодлардан қолган
диний расм-русумларни адо этиш жойи бўлганлиги билан
боғлиқдир. Шу билан бирга, Чочда зардуштийлик урф-одат-
лари ҳам мавжуд эди. Хитой манбаларида Чочдаги ибодат-
хонада ҳукмдорнинг аждодларига бағишлаб қурбонлик ма-
росимлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумот келтирила-
ди.



Оссуарий.
Эрамизнинг VII—VIII асрлари.



Оссуарий қопқоғи.
Эрамизнинг VII—VIII асрлари.

Шош пойтахти йирик диний марказ бўлган, унинг аҳолиси орасида, илгаригидек, ҳосилдорлик маъбудларига сиғиниш маросимлари, оловга топиниш, илоҳийлаштирилган аجدодларга сиғиниш кенг тарқалган эди.

Дафн маросими билан боғлиқ урф-одатларнинг ўзига хос тизими мавжуд эди. Марҳумлар қўрғонлар остидаги тупроқ даҳмаларга қурол-яроғлар, зебу зийнатлар, нариги дунёда овқатланиш учун идиш-товоқлар билан бирга дафн этиларди. Зардуштийлик дини, Авесто илоҳларига сиғиниш, оловга топиниш илгари ҳам мавжуд эди. VI—VII асрлардан тозаланган устухонларни лойдан ясалган чўзинчоқ шаклдаги, қопқоқли қутичалар — оссуарийларда дафн этишдек зардуштийлик расм-русуми тарқалди. Деворлари ўйма нақшлар билан, юқори қисми эса қўйлар, қушларнинг ҳайкалча-лари, инсоний қиёфалар билан безатиладиган ушбу қутичалар — оссуарийларни тайёрлаш Чочда хунармандчилик ва санъатнинг асосий турларидан бўлиб қолди.

Бундан ташқари, Чоч шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси Буюк ипак йўли орқали кириб келган динлар — христиан-лик, буддавийлик, монийликдан ҳам бохабар бўлган. Бағ-

рикенглик ва турли-туман динларнинг тинч-тотув амал қилиши Чоч аҳолисининг ярим этник қатламига хос хусусият эди.

Бу даврда Чоч пойтахтининг гуллаб-яшнаши, энг аввало, унинг маъмурий, диний, ҳарбий сиёсат, хунармандчилик ва савдо маркази сифатида ривожланганини англатар эди.

Шаҳар йирик маданият маркази ҳам эди. Чочда санъатнинг бир қанча турлари бўйича махсус мактаблар таркиб топган. Саройлар ва бой-бадавлат кишиларнинг уйлари моҳир усталар томонидан безатилган, медаль яшаш санъати, шунингдек, босма портрет учун қолип тайёрлаш ҳам юксак санъат даражасига кўтарилган. Бунга ҳокимларнинг тангалар ва терракот плиткалардаги тасвирлари гувоҳлик беради, улар ўзига хос ва юксак ифода кучига эгадир. Тошкентлик ҳофизлар, муғаннийлар, раққослар ўз юртларидан йироқ-йироқларда ҳам машҳур бўлишган. Ҳатто Хитой сингари олис мамлакатларда ҳам оммалашиб кетган чоч рақсларининг ўзига хос усул ва маромлари юзага келган.

Чочлик ўғил болалар чаққонлик билан ижро этадиган ва Хитойда «хутен» (парвоз қилмоқ, сакрамоқ) деб аталган жозибали рақс, айниқса, машҳур бўлган. Тошкентдан олиб борилган яна бир рақсни хитойликлар «чжечжи» — «чоч рақси» деб атаганлар. Ушбу рақс дастлаб битта, сўнггида эса бешта раққос томонидан ижро этилган, улар калта камзул кийиб, кумуш белбоғ боғлаб ўйнаганлар, бошларига эса конус шаклидаги қалпоқ кийганлар, қалпоқнинг эгилган учига қўнғироқча осиб қўйилган. Чочнинг алоҳида рақслари қизлар томонидан ижро этилган. Раққосалар ҳаракатининг тасвирланишига қараб рақснинг ҳосилдорлик маъбудига бағишлангани, маросимга оид хусусиятларни ифодалашни тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Шошдаги расмий тил суғд тилининг лаҳжаси эди, ҳукмдорларнинг (Артачака, Сачака, Шчаниябага, Тарнбагча) лавозимлари ва исмлари тангаларга суғд ёзуви белгилари билан ёзиб қўйилган, ҳукмдорлар қўшни давлатлар билан расмий номаларни суғд тилида айирбошлаганлар. Шу билан бир-

га, турк қавмлари ва турк тилининг роли ортиб борган. Тангаларнинг бир туркумида ҳукмдорлар — Илтегининг номи, бошқаларида тудун, шунингдек ҳукмдор Тюркеш тилга олинган.

Ёзма манбаларга қараганда, чочликлар Суғд ва Фарғонада яшайдиган кишиларга ўхшаган, курашчан ва эрксеварлиги билан ажралиб турган.

Арабларнинг Чочга қилган қатор юришлари натижасида унинг шаҳарлари, биринчи навбатда, унинг пойтахти вайрон бўлди ва ҳувиллаб қолди. Етказилган талафот ўнглаб бўлмас даражада эди. Тошкентнинг ўзида амалга оширилган археологик қазишлар чоғида вайроналар ва ёнгинларнинг фожиали таъсири яққол кўринди. Табарийнинг сўзларига қараганда, ана шу даврда ирригация тармоғи вайрон этилади, пойтахтга сув келтирувчи канал бузиб ташланади, бу шаҳарликлар ҳўжалигига тузатиб бўлмас зиён етказди. Вайрон этилган ва каналдан маҳрум бўлган пойтахт шу тариқа қайта ўзини ўнглаб ололмади.


Бир маҳаллар катта ҳудудни эгаллаган Мингўрик шаҳри ўрнида кейинги асрларда чоғроққина манзил мавжуд бўлган, холос. Пойтахт эса култепадан 8 км шимоли-ғарбда, аввалги даврларда Мадинат аш-Шош музофоти таркибига кирган янги ерда қайта барпо этилган. Унинг харобалари Тошкентда XIX асрда олиб борилган қурилишлар натижасида ер остида қолиб кетган.

IX асрда Шош араб халифалиги таркибига узил-кесил кирди. Ҳукумат фармойишига кўра янги шаҳарнинг ирригация эҳтиёжлари учун 2 миллион дирҳам ажратилди. Халиф Мутасим (833—842) ушбу маблағни ажратар экан, Шошда канал қазишни буюрди. Археология маълумотларига қараганда, ушбу чора, афтидан, Бўзсув—Калковуз сугориш тизими такомиллаштириш билан боғлиқ эди. Катта миқёсдаги ирригация ишлари пойтахтнинг сомонийлар даврида янги жойда равнақ топиши учун шарт-шароит яратди.

Халифат ҳукумати кўчманчиларнинг босқинларидан ҳимоя қилиш учун чегара деворлари ҳамда қалъа-работлар тиклаш учун маблағ ажратди. Ана шундай деворлар Чочнинг «Сойлиқ

тоғидаги Чоч дарёси (Сирдарё)гача» бўлган шимолий чегара-сида тикланди. Ушбу деворнинг айрим қодиқларини Жанубий Қозоғистонда бугунги кунда ҳам учратиш мумкин.

Бироқ Мовароуннахрнинг истило этилган вилоятларини қўлда тутиб туриш борасидаги қийинчиликлар халифатнинг ҳукмдорларини маҳаллий зодагонларга ён босишга ва улар-



Бинкат. IX—XIII асрлардаги шаҳристон тарҳи. XIX асрдаги Тошкент тарҳида.

ни ўз томонига оғдириб олишга мажбур этди. Араб халифаси Маъмун даврида бурунги маҳаллий зодагонлар шарқий ҳудудларга ноиб этиб тайинлана бошлади. Хуросонда халифлар номидан Тоҳирийлар, Мовароуннаҳрда эса Сомон авлодлари ҳокимиятни бошқарди, улар ҳам ўз даврида халифатга хизмат кўрсатган эдилар. IX аср охирига келиб Сомонийлар юксак мартабаларга эришиб, амалда пойтахти Бухорода бўлган мустақил давлат барпо этдилар. Шош ана шу сулолалардан чиққан ҳукмдорлар томонидан бошқарила бошлади. Дастлаб Яҳъё ибн Асад ана шундай ҳукмдор бўлиб, пойтахтда ўз номидан кумуш танга зарб эттира бошлади.

Ёзма манбалар ҳамда нумизматика маълумотларига қараганда, пойтахт илгаригидек Шош, Мадинат аш-Шош деб аталарди. Археология маълумотларига кўра, у ҳозирги Тошкентнинг шимоли-ғарбий ҳудудини эгаллаган, унинг маркази ҳозирги Чорсу, Эски Жува ва Навоий кўчалари ўртасида жойлашган. IX—X асрларга оид араб ёзма манбаларида унинг яна бир номи — Бинкат тилга олинган. Ҳоким (вилоят ҳукмдори) томонидан маҳаллий ҳукмрон зодагонлар, кўпинча мусулмон руҳонийлар орасидан тайинланган раис шаҳарни бошқарган.

Шаҳарда давлат девонларининг шаҳар маҳкамалари, яъни давлатнинг ҳарбий-фуқаролик маҳкамалари мавжуд бўлса-да, бироқ уларнинг деярли барчаси маҳаллий бошқарувга бўйсунар эди. Раис ҳузуридаги шаҳар бошқаруви лавозимларига, асосан, зодагонлар — деҳқонлар ва руҳонийлар орасидан танлаб олинарди. Бошқарув амалдорларининг хизматга киришлари учун муайян билим, дарс ва араб тилларини, Қуръонни ва шариатнинг асосий нормаларини билиш талаб этиларди. Шунингдек, улар ўқимишли ва турли-туман фанлардан бохабар бўлишлари лозим эди. Бундай шахслар табақаси Мовароуннаҳрда арабча «аҳл ал-қалам» (қалам эгалари) ва форс тилида «дабирлар» (ко-тиблар) деб аталарди.

Бинкат шахри IX—X асрларда иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиб, XI асрга келиб янада равнақ топди. Шаҳарнинг географик жойлашуви билан боғлиқ афзалликлари бу пайтда ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ намоён бўлди. Транзит савдо йўли ёқасида жойлашгани, шунингдек, руда конлари яқинлиги унинг гуллаб-яшнаши учун асос яратди. Чотқол ва Қурама тоғларидаги руда конлари айна шу даврда жадал қазиб олина бошлади. Географ олим Истахрий маълумотига кўра, ана шу даврда «ҳеч қандай ислом кони Панж-ширнинг кумуш кони билан тенглаша олмайди, симоб, олтин ва конларда бўладиган бошқа маъданлар Мовароуннаҳрда энг кўп қазиб олинади».

Юқорида тилга олинган кон ўз бойлиги ва ишга туширилганлиги жиҳатидан шарқ учун андоза эди ва шунинг учун ҳам бошқа бир географ ибн Хордадбех айнан Чоч ва Илоқ конларини худди ана шу кон билан қиёслайди ва уларни «янги Панжшир» деб атайди. Археологлар ушбу конларни Чотқол ва Қурама тоғларида аниқладилар ва улар бўйича тадқиқот ишлари олиб бордилар. Улардан йирикларни кўрғошин-кумуш рудалари қазиб олинadиган конлар эди. Булар Лашкерек конлари: Конимансур, Кухисим ва бошқалардир. Олтин кичик миқёсда қазиб олинарди, олтин қазиб олиш бўйича йирик конлар жанубий Чотқолда аниқланган. Ушбу замин бағридан олтин ва кумушдан ташқари, мис, темир, қалай қазиб олинган. Шунингдек, қимматбаҳо



Канқа. Бинкат. X—IX асрлардаги қулфлар, қайчилар. Темир.



Чироқлар. Керамика, жез. X аср.

фируза тошлари ҳам қазиб олинганини алоҳида қайд этиш зарур. Абу Райҳон Беруний хабарига кўра, Чоч фирузаси Шарқда юқори баҳоланган. Рудалар шу ернинг ўзида, йирик конларда бойитилган ҳамда қайта қуйилган. Бинкат ҳунармандлари Пском довонидаги манзилда тайёрланган металл хом ашёси — крицлар олишга муяссар бўлганлар, археологлар ана шу жойда маъдан билимдонлари ва металлурглар шахри — Шахджувортела қолдиқларини топдилар. Металларга қайта ишлов бериш шаҳарларда амалга



Бинкат. IX—X асрлардаги лаган.




Эпиграфик нақшли лаган. «Ким кўп гапирса, кўп янглишади» деган ёзув бор.



Бинкат. X асрдаги керамика.



Бинкат. X асрдаги керамика.



Муҳрли-нақшли керамика. X—IX асрлар.

оширилган. Бинкатда металл ва темирдан буюмлар тайёрлаш кенг ривожланган. Бу ҳақда металлдан тайёрланган буюмлар ҳам шоҳидлик беради, улар хорижга чиқариш ҳамда даштда ҳаёт кечирувчилар билан мол айирбошлаш учун тайёрланарди.

Улар орасида қурол-яроғлардан тортиб, уй-рўзғор буюмлари, қайчилар ва тўғноғичларгача бор эди. Тўқимачилик ва гиламдўзлик етакчи ўринлардан бирини эгаллаган, улар учун хом ашёни дашт кўчманчилари етказиб беришган. Манбаларда Бинкатда тайёрланадиган жун ва пахта газламалар, кийим-кечаклар, чакмонлар, чодирлар, намоз

ўқиладиган гиламчалар, чарм буюмлари, қопламаси сағри терисидан бўлган баланд қошли машхур чоч эгарлари, на-мат буюмлари ва ўтовлар ҳақида маълумотлар келтирила-ди. Истахрийнинг эслашича, Шошда кийим-кечаклар «шун-чалик бисёр бўлганки, улар бошқа мамлакатларга ҳам чи-қарилар эди».

Транзит савдо йўлида жойлашган Бинкат фақат ўтиш манзилигина ҳисобланмасди. У ўз шаҳар ҳунармандчилиги молларини хорижий юртларга ҳам чиқарарди. Араб муарри-хи Мақдисий, юқорида зикр этилган моллардан ташқари, бу ердан ажойиб ўқ-ёй, садоқ ҳамда совутлар олиб кетилга-нини қайд этган. Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига Шош орқали ўтган асосий карвон йўллари айнан IX—X аср-ларда шаклланган. Жанубий карвон йўли Суғддаги Сир-дарё бўйларига, сўнгра Чирчиқ водийси орқали Чочга элт-ган. Шимолий карвон йўли асосий транзит йўли ҳисоблан-ган. У Суғд ва Шош ўртасидаги энг қисқа йўл бўлиб, дашт ҳудудларидан ўтган. Юқорида тилга олинган Мақдисийнинг кўрсатишича, «Бинкатдан туркларга кийим-кечаклар, ипак ва шойи газламалар ҳамда ёнғоқлар олиб кетилган». Шу-нингдек, Сирдарё ҳам, у баъзида «Шош денгизи» деб атал-ган, савдо йўли ролини ўтаган, яъни ушбу дарё орқали мол-лар, жумладан, «тинч ҳаёт кечираётган» гузларга (даштлар-да яшайдиган туркий қабилалар) дон-дун ташилган. Дашт-лар бағридан бошланган яна бир йўл Бинкатдан тоғли ҳудуд-ларга элтган.

Ҳунармандчилик молларининг кенг қадрланиши ва сав-до-сотиқ даражаси ҳақида кўпдан-кўп кумуш ва маҳаллий муомаладаги мис тангалар гувоҳлик беради. Шош конла-ридан қазиб олинган кумуш юқори сифатли бўлиб, Кавка-зорти мамлакатларига, Шимолий ва Фарбий Европага кўплаб олиб кетилган. Шунга кўра зарбхона жойи «маадан аш-Шош» (Шош кони) деб аталган. Кумуш шунчалик би-сёр бўлганки, коннинг ўзида зарбхона ишлаб турган. Ку-муш тангалар (дирҳамлар) Шарқий Европага ҳам товар

ҳисобида олиб кетилган. Ўша даврга оид кўплаб кумуш тангалар Москвадан тортиб, Новгород, Финляндия ва Даниягача бўлган кенг ҳудудда топилган. Бу ҳол ушбу мамлакатлар билан савдо алоқалари жадал олиб борилганлигидан далолат беради.

Бинкат бозорлари, шунингдек, даштдан келтирилган моллар билан ҳам тўлиб-тошган эди. Чорвадорлар шаҳарни гўшт, сут, жун, тери билан таъминларди. Шаҳар, шунингдек, қўл меҳнати бозори билан ҳам машҳур эди. Бу ерда турк қўллари сомонийлар амирлари ва халифат ғуломлари сафини кенгайтириш учун сотиб олинарди.

X аср охирига келиб, ички ихтилофлар ва сулола орасидаги ички низолар натижасида заифлашиб қолган сомонийлар давлати турклар — қорахонийлар зарбалари остида қулади. Шош янги сиёсий бирлашма — сомонийлар давлати ҳудудини босиб олган Қорахонийлар хоқонлиги таркибига кирди. XI аср ўрталаридан Шош Қорахонийларнинг ўз лавозимига кўра иккинчи хони Муҳаммад Буғрохон ҳокимияти тасарруфига ўтди.

Бу даврда тилларнинг алмашинуви рўй беради ва турк тилидаги топонимлар кенг тарқалади. Сугд аҳолисининг тили турк тили билан аралашиб кетади. Турк филологи Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, бу жараён одамлар икки тилда сўзлашадиган Еттисойга мансуб бўлса-да, лекин сугд тили аста-секин турк тилига ўз ўрнини бўшатиб бера бошлади. Тошкент воҳасида ҳам ана шундай жараён содир бўлади.

X асрнинг охирига келиб Абу Райҳон Беруний асарида Шош пойтахтининг туркий номи — Тошкент илгари машҳур бўлган Бинкат билан бир қаторда қайд этилди. XI аср иккинчи ярмида Тошкент номи Маҳмуд Кошғарий асарида ҳам учрайди. Унда Тошкент — Бинкатнинг туркий номи эканлиги тўғридан-тўғри кўрсатилган. Шу пайтдан эътиборан Шош шаҳрининг қадим замонлардан қарор топган номи унинг янги номи билан ёнма-ён то XVIII асрга қадар теппа-тенг равишда қўлланилади ва бу даврга келиб барҳам топади.

Х—ХІ асрларда пойтахтда ва бутун минтақада ислом ўз мавқеини мустаҳкамлайди. Бинкатдаги ислом имомлари орасида Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Шошийнинг номи машҳурдир, у шофийлар сулуки (Х аср)нинг тарғиботчиси бўлган. У иккинчи бир таниқли имом Хожа Аламбардор каби Тошкентда дафн этилган. Шош мусулмон мактаби ҳақида маълумотлар мавжуд. Мутакаллим Абу Хатима (965 йилда вафот этган) сўзларига қараганда, «у Шошдан то Искандариягача минглаб устозлардан ваъз эшитган». Бундай таърифлардан аёнки, Шош ўз фақиҳлари ҳамда суннат ва ҳадисларнинг билимдонлари билан шуҳрат қозонган.

Шош маданияти юқори даражада ривожланган вилоятлардан бирига айлана борди. Бу маданиятнинг Мовароуннаҳр учун аҳамияти, одатда, «мусулмон ренессанси» атамаси билан белгиланади. Бу атамада халифатга кирган бошқа халқларнинг маданий ютуқлари билан ҳамда ягона ислом динининг ҳаётбахш таъсири остида бойиб, мазмунан ноёб маданият шаклини юзага келтирган маҳаллий маданиятлар ва анъаналарнинг тикланиши акс этади.

Ушбу даврга оид ёзма манбалар мамлакатнинг, шу жумладан шаҳарнинг маданий ҳаётида умумий юксалиш юз берганидан далолат беради. Бу даврда фаолияти Тошкент билан бевосита боғлиқ йирик мутакаллимлар билан бир қаторда, бир неча истеъдодли шоирлар самарали ижод қилган. Улар орасида лирик шоир Абу Муҳаммад ал-Матроний айниқса шуҳрат қозонган. Замондошларининг фикрича, Шош ва Мовароуннаҳрда унга тенг келадиган шоир бўлмаган. Унинг араб тилида ёзилган ишқ-муҳаббат, дўстлик, табиат гўзаллиги таърифланган ғазаллари «Девон»га жамланган. Шоир ва файласуф Абу-р-Раби ал-Балхий ҳам Тошкентда яшаб, ижод этган. «Шош, — деб ёзган эди ўз ғазалларида, — ёзда бамисоли жаннат, жазирама азобидан асрайди. Бироқ у ерда совуқ ва қаҳратон кезлари эс-ҳушимдан ажрайман».

Тошкент ўрта асрлардаги Туркистоннинг энг йирик шаҳар марказларидан бири эди. IX—XI асрлардан бошлаб араб манбаларида Сирдарё (Сайхун) бўйларидаги минтақа ана

шундай ном билан, яъни Туркистон деб аталарди. Ўтроқ бўлиб ҳаёт кечираётган деҳқонлар ва чорвадорлар билан бир чегарадаги ушбу шаҳар маданияти таркиб топган ҳудуд асрлар давомида Ўрта Осиё иқтисодиёти, савдо алоқалари ва сиёсий тарихи ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Унинг неча марталар ҳарбий тўқнашувлар, сулолалар орасидаги феодал низолар майдонига айланиб вайрон этилган ва ҳувиллаб қолган шаҳарлари ўз иқтисодий салоҳияти ва халқаро карвон савдоси трассаларида жойлашганлиги туфайли қайта бунёд бўлар ва янада гуллаб-яшнайверар эди.

XIII асрнинг биринчи қисмида Тошкент Туркистоннинг бошқа шаҳарлари: Сайрам (Исфижоб), Тароз, Ўтрор, Сауран, Ясси-Туркистон, Сигноқ сингари хоразмшоҳлар давлати таркибига, сўнг мўғул-татарлар томонидан босиб олиниб, Чингизхоннинг ўғли Чиғатой улуси таркибига кирди.

XIII аср ўрталаридан Сирдарё бўйидаги шаҳарлар мўғулларнинг қаттиқ талафот етказган жангу жадалларидан сўнг қайта тиклана бошлади. Ҳар қачонгидек, улар муҳим савдо йўллари бўйида жойлашгани бунинг асосий омили бўлди. Савдо айирбошлаш сезиларли даражада жонлана бошлади. Қатор шаҳарлар, жумладан Тошкентда мавжуд бўлган зарбхоналар фаолияти бундан далолат беради, улар тижорат эҳтиёжларини қондирди, солиқларни белгиланган тартибда, пул шаклида олиш имконини берди.

Шош Масъудбекнинг бутун Чиғатой улуси ҳудудида кумуш тангаларни эркин зарб қилиш негизида танга муомаласини бирхиллаштириш борасидаги ислоҳотини ўз бошидан ўтказди. Тошкентда XIII асрнинг иккинчи ярмида зарбхона иш бошлади. Шаҳар XIV асрда ҳам кумуш тангалар зарб этишни давом эттирди. Бозорнинг унга нисбатан талаб-эҳтиёжи ўсиб борганини қалбаки тангалар ясашга уринишлар бўлгани ҳам тасдиқлайди. Тошкентда, унинг Беш-оёғоч қисмида қалбаки танга ясовчининг устахонага яшириб қўйилган асбоб-ускунаси топилган.

Шош XIII аср охиридан тиклана бошлангани тўғрисида ёзма манбалар ҳам далолат беради. Чунончи, Тошкент-

да бир неча бор бўлган муаррих Жамол Қарший «бу шаҳар фаровон, суви мазали, иқлими мўътадил, тупроғи унумдор, шаҳар атрофи кенг»лиги ҳақида ёзган. Закариё ал-Қазвиний: «Шош — озода ва ажойиб, ям-яшил, жуда чиройли ва хушманзара шаҳар», деб таърифлаган. Манбаларда шаҳарда атиргул ва бошқа гуллар кўплаб етиштирилгани таъкидланади. Бошқача айтганда, шаҳар оби ҳаёт билан яхши таъминланган, бу ерда чорбоғли хонадонлар кўп бўлган. У маҳаллаларга бўлингани, ҳар бир маҳаллада 50—70 хонадон мавжудлиги ва кўплаб масжидлар ишлаб тургани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Шундай қилиб, XIV аср бошларига келиб Тошкент аҳолиси янада кўпайди. Шаҳар атрофида обод қишлоқлар пайдо бўлди. Натижада бу қадимий шаҳар мусулмон маданияти маркази сифатидаги шухратини қайта тиклади. Ана шундай қишлоқлардан бири Кўйи Орифон (донишмандлар маҳалласи) деб аталар ва унда XIII асрда кўплаб илм-маърифатли кишилар истиқомат қиларди. Унда туғилиб ўсган шайх Зайниддин Орифоний тасаввуф диний тариқатининг асосчиси сифатида айниқса машҳур эди. У ўзи яшаган чиллахона ёнида дафн этилган бўлиб, бу чиллахона бугунги кунларгача сақланиб қолган.

Бу даврга келиб кучли сиёсий инқирозни бошдан кечираётган собиқ Чиғатой улуси бир-бири билан рақобатлашувчи икки хонликка бўлиниб кетди. Шарқий қисми маркази Или дарёси бўйида бўлган Мўғулистон бўлиб, мўғулларнинг кўчманчиларга хос анъаналарига содиқ қолган ва чингизий хонлар томонидан идора этилган. Иккинчи қисми — Мовароуннаҳрда амирлар, турк-мўғул қабилаларининг вакиллари ҳокимияти қарор топган бўлиб, у чингизийлар линиясини ўзгартирди, ўтроқ бўлиб яшаш, шаҳарларни ривожлантириш ва аҳолини исломлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Сирдарё бўйидаги ерлар ундаги шаҳарлар билан бирга буфер минтақа бўлиб қолдики, бу ерда иккала хоннинг манфаатлари доимо бир-бири билан тўқнаш келар, уларнинг

бир-бирига босқинчилик қилган қўшинлари шу минтақадан ўтарди. Ана шундай тўқнашувларнинг бирида Амир Темур ўзини намоён этади. У 1365 йилда Тошкент яқинида Мўғулистон қўшинлари билан бўлган жангда чингизий амир Ҳусайн билан иттифоқ тузади. Шундан сўнг Тошкент ва Сирдарё бўйидаги қатор шаҳарлар Амир Темурнинг доимий диққат марказида бўлади.

Амир Темур бутун Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгач, Сирдарё ортидаги чегара минтақаларни ҳам ўз қамровига олди ва бу ердаги шаҳарлар унинг Дашти Қипчоқ ҳамда Мўғулистонга қарши ҳаракатларида таянч нуқталар сифатида хизмат қилди.

Амир Темур шимолга юришлари даврида 1361, 1363—1364, 1365, 1370, 1375, 1389 ва 1390—1391 йилларда Тошкентда бўлди. 1396—1397 йилларда Амир Темур суфий шайх Хожа Аҳмад Яссавий меъморий мажмуаси биноларига гишт қўйишда шахсан иштирок этиш учун Тошкент орқали Ясси—Туркистонга борди. У Тошкентта охириги марта 1404 йилда келди. Бундан олдин ўзининг улкан салтанати шимолишарқий ҳудудларини набираларига — Шоҳрухнинг ўғилларига тақсимлаб берди. Маркази Тошкент шаҳрида бўлган Сирдарё бўйидаги шаҳарлар ҳамда Мўғулистон 9 яшар Мирзо Улуғбекка мулк қилиб берилди.

Шундай қилиб, Темур сиёсатида Сирдарё бўйидаги шаҳарлар силсиласи сарҳадлардаги мустаҳкам форпостлар (олд истеҳкомлар) вазифасини ўтар, уларда қўшинларни ишончли тарзда жойлаштириш, аскарлар ва отларни озиклантириш мумкин эди. Шунинг учун бу ерда деҳқончилик ҳўжаликларини қўллаб-қувватлашга, шаҳарларнинг, шу жумладан, Тошкент шаҳрининг мудофаа деворларини тиклаш ва қайта қуришга, қўшимча қалъалар бунёд этишга алоҳида эътибор берилди. 1405 йил бошида Амир Темур Ўтрорда вафот этгач, Темурий шаҳзодалар ўзаро ҳокимият масаласини ҳал қилдилар. 1406 йилда А. Темурнинг набираси — Халил Султон Тошкентни қамал қилди ва уни қўлга киритди.

Кейинчалик Тошкент Мирзо Улуғбекка бўйсундирилди. У Сирдарёдаги ўзгарувчан вазиятни муттасил назорат остида тутмоғи лозим эди. Улуғбек Дашти Қипчоқ кўчманчи қабила-лари зуғумига қарши зарба бериш учун бир неча бор (1416, 1417, 1425 й.) Тошкент орқали ўтиб, жанговар юриш қилди. Сўнгги юриш Мирзо Улуғбекнинг асосий жанговар ютуғи билан якунланди. У лашкарбоши сифатида эмас, кўпроқ тах-тда ўтирган олим сифатида иш тутарди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Тошкент қўлдан-қўлга ўтиб турди: қисқа муддатга кўчманчи ўзбеклар хони Аб-дулхайр (1428—1468) томонидан босиб олинди, сўнгра тур-ли минтақалардаги теурий ҳукмдорларга бўйсундирилди ва, ниҳоят, Мўғулистон хони Юнусхон ҳокимиятига бе-рилди. Тошкентни Мўғулистоннинг асли чиғатойлик хон-лари Шайбонийхон бошлиқ қўшинлар келгунга қадар идора қилдилар. Мовароуннаҳр ва Туркистонда Шайбонийлар ҳокимияти қарор топиши билан XVI аср бошидан Тош-кент ва Сирдарё минтақаси мазкур сулоланинг шимолий шохобчасига мансуб хонлар томонидан бошқарилди.

Ёзма манбаларнинг камгина маълумотлари, Ўзбекис-тоннинг ҳозирги пойтахти ичида олиб борилган археология ишлари натижалари, шунингдек, топономик тадқиқотлар Тошкент қиёфасини умумий қирраларда тиклаш имконини беради. У XIV—XV асрларда дашт билан чегарадаги муҳим стратегик пункт-қалъа эди.

Бу даврда Тошкент қалъа, деворлар билан ўраб олинган шаҳристон ҳамда шаҳар атрофидан иборат бўлиб, йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази эди. Шаҳристонда зич қурилган тураржойлардан ташқари, бош бозор майдони — марказида ҳовуз барпо этилган Регистон, масжид ва мад-раса, карвонсаройлар, ҳаммомлар жойлашганди.

Шаҳардаги иморатларнинг асосий қисми суфийликнинг нақшбандия тариқатига мансуб бўлган, ўз даврининг сиё-сий ҳаётида сезиларли роль ўйнаган Хожа Аҳрор номи би-лан боғлиқдир. У жуда бадавлат бўлиб, шаҳар чеккаларида

кўпгина ери, шаҳарда эса дўконлари ва уйлари бор эди. Шаҳар жомеъ масжидидан ташқари, яна иккита масжид, иккита мадраса ва Кўкча қисмидаги Кўнчилик маҳалласида кўприк қурилишини ҳам ана шу табаррук зот номи билан боғлайдилар.


Шаҳар ҳаётида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши муҳим ўринга эга бўлиб, у шаҳарнинг ички эҳтиёжини қондириш, кўчманчилар билан савдо-сотик қилиш учун ҳам товарлар етказиб берар эди.

Шаҳар ҳунармандлари темир, кумуш, қўрғошин, фируза каби маъданлар бой бўлган конлардан олинадиган хом ашёни қайта ишлаш билан машғул бўлганлар. Ушбу конларнинг маъданга бойлиги тўғрисида XIV асрда Ҳофизу Абру гувоҳлик берган эди. Шундан икки аср кейин Зайниддин Восифий темир ва жез конларидан маъданлар қазиб олинётганини таъкидлайди.

Шаҳарда чорвадор хўжаликларнинг маҳсулотлари (тери, жун, суяклар ва ҳ.к.) қайта ишланарди. Ҳунармандлар анъана тариқасида ўрнашган ва бозорларда касб-корига мувофиқ жойлашган эди, бу XIV шаҳарнинг асрдаги номларида ҳам ўз аксини топган эди, яъни Дегрез (темир қуювчилар), Мискарлик (мискарлар), Парчабоф (мато тўқувчилар), Эгарчи (эгар ясовчилар), Чархчи (чархчилар), Темирчилик (темирчилар), Заргарлик (заргарлар) ва ҳ.к.

XV—XVI асрлардаги устахоналар ва ҳунармандларнинг маҳсулотлари археологлар томонидан, асосан, шаҳарнинг марказий, ғарбий ва жанубий қисмларида ўрганилган. Бу ҳудудларда кулоллар, гишт қуювчилар, шишадамгирлар ва мискарлар яшаганлар.

Шаҳар ҳунармандчилигининг асосий маҳсулотлари ошхоналарда ишлатиладиган хилма-хил сирланган идишлар мажмуидан иборат бўлиб, мўғуллар даврига мансуб сополардан кескин фарқ қилар эди. Улар XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб идишлар ясаш ва уларга безак бериш борасида Ўрта Осиёдаги барча етакчи кулолчилик марказла-



Тошкент. XIV—XV асрлардаги керамика.

рида қарор топган янги йўналишга мансуб эди. Бу йўналишнинг пайдо бўлишини, одатда, Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарқанд билан боғлайдилар. Бинобарин безаклар мажмуида янги шакллар, яъни ҳаворанг кобальт безаклар ва мовий шаффоф сиркорликнинг пайдо бўлиши, янги технологик усулларнинг жорий этилиши ва янги услубнинг барча жойларда ёйилиши Амир Темурнинг улкан салтанати қарор топиши билан умумий боғлиқ эди. Мин сулоласига мансуб, Мовароуннаҳрга XIV асрда кириб келган ва сарой муҳотида таомилга кирган чинни буюмларга тақлидан яратилган идишлар Самарқандда бу усулнинг ажойиб намуналари яратилганидан далолат беради. Пойтахтдаги намуналарга тақлид қилиш чекка жойларда ҳам кенг тарқалди. Тошкент кулолчиларининг маҳсулотларида хитойларнинг маҳоратини ўзлаштириш яққол сезилиб турарди, яъни уларда «учқур оҳу», нилуфар, сув мавжлари, булутлар ва айниқса, жониворларнинг пейзаж шаклидаги расмлари — сувда сузиб юрган ўрдакчалар, жўжалар ва парвоздаги турналар каби унсурлар яққол кўриниб турарди. Кушлар реалистик тарзда,

нафис ифодаланган бўлса-да, айрим ҳолларда маҳаллий услубга хос дағал ижро ҳам учраб турар эди.

Шаҳар маҳаллий ҳунармандлари ясаган буюмлардан ташқари бошқа мамлакатлар: Хитой, Эрон, Ҳиндистондан келадиган ва сўнгра доимо савдо қайнайдиган Олтин ўрда бозорларига йўл олувчи савдогарлар келтирадиган моллар билан тўлиб-тошар эди.


XV асрда Олтин ўрда пойтахти бўлган Саройдан бошланиб, Уст-юрт орқали Урганч, Ўтрор, Тошкент, Олмалик ва сўнгра Хитойга элтувчи савдо йўли доимо ҳаракатда эди. Унинг бир тармоғи Урганч, Самарқанд, Амул ва Хуросонга элтар эди. Ўтрордан Сирдарёнинг сўл қирғоғи бўйлаб кетган савдо йўли эса Шош ва Хоразм сари чўзилганди.

XV асрдан бошлаб Тошкентдан Чордарага, сўнгра Сирдарёнинг сўл қирғоғи, ундан кейин Оққўрғон кўпригидан ўтгач, Сауран орқали Ясси — Туркистонга элтувчи карвон йўли устувор аҳамият касб эта бошлади.

Темурийлар даврида Тошкент атрофида қўрғонлар, боғроғлар ва экинзорлар ўртасида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш нуқталари, бозорлар, карвонсаройлар жойлашган эди. Бундан ташқари, шаҳар атрофи азиз-авлиёларнинг қадамжоларида барпо этилган бир неча ёдгорликлар билан ҳам диққатга сазовор жой саналарди.

Чунончи шаҳар деворининг шимол тарафидаги Калковуз каналидан сув ичадиган ерда X асрда яшаган имом Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Шошийнинг мақбараси жойлашган бўлиб, бу табаррук зотнинг исми Жамол Қарший томонидан XIII асрда тилга олинган. У халқ ўртасида беҳад улуғланидиган азиз-авлиёлардан бири бўлиб қолди. XVI асрда мақбаранинг янги биноси бунёд этилди.

XIII аср охири ва XIV асрда Мовароуннаҳр ҳамда Туркистонда суфийлик ва азиз-авлиёларга сигиниш кучайди. Сўфийлар кўпгина суннийлик уламоларини сиқиб чиқарди. Турклар орасида жаҳонгашта дарвешлар тариқати бўлмиш яссавия кенг тарқалди. Мовароуннаҳрда нақшбандия тариқати ва унинг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (ва-



Зангиота мақбараси. XIV аср.

фоти 1389 й.) обрўси тобора ошади. Амир Темур азиз-авлиё, шайхлар ва суфийларга ҳомийлик қилар ҳамда мақбаралар, жомеъ масжидлар, суфизм тараққиёти туфайли ҳаётга юз ўтирган дарвешлар учун хонақоҳлар қуриш ҳақида фармойишлар берарди. Соҳибқироннинг бу соҳадаги фаолияти Тошкентда ўчмас из қолдирди.

Тошкентнинг ғарбий қисмидаги машҳур Кўйи Орифон қишлоғида Зайниддин Орифоний номи билан боғлиқ муқаддас қаламжо вужудга келди. Унинг мозори устига қурилган чоғроқ чортоқ ўрнига Амир Темур фармойиши билан XIV аср охирида мақбара барпо этилди. Темурнинг ва унинг падари бузруквори Тарағайнинг устози Шамсиддин Кулол Зайниддин Орифоний асос солган диний мактабга мансуб эди.

Тошкент яқинидаги Хожа Аҳмад Яссавий муридларидан бири, Зангиота деб ном олган Ойхўжа ибн Тошхўжа ва унинг хотини Анбар бибининг мақбараларини ўз ичига олган зиёратгоҳ ҳам соҳибқирон Амир Темур ҳомийлигида қурилган.


Яна бир ёдгорлик мажмуи Тошкентнинг шарқий қисмида Шайх Хожа Аҳрор ҳомийлигида унинг қариндоши Шайх Хованди Тоҳур қабри ёнида барпо этила бошланди. Даставвал шайхнинг мақбараси бунёд этилди. XII асрда Қалдирғочбий мақбараси билан тўлдирилди ва XV аср охирида Тошкент ҳукмдори Юнусхон шарафига ёдгорлик биноси қурилиши билан ниҳоясига етказилди.

Тошкентнинг архитектура тузилиши мактаби, гарчи, мутахассисларнинг фикрича, Ўрта Осиё анъаналари ўзанида ривожланган бўлса-да, ўз ёрқинлиги билан пойтахт Самарқанд меъморчилик мактабидан фарқ қилмасди. Биноларнинг режалаштириш ва муҳандислик ечимлари Темурийлар даврининг шимолда Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасида намоён бўлган ижодий тафаккурининг энг яхши ютуқларига монанд эди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида маданиятнинг барча турлари гуллаб-яшнади. Темурий шаҳзодалардан кўпчилигининг саройида адабий-бадий муҳит юзага келган, Шарқнинг йирик алломалари ижодий меҳнат билан маш-



Юнусхона мақбараси. XVI аср.




Ҳаммом. XV аср охири — XVI аср боши. Тарҳ.

ғул бўлишган. Тошкент чекка ҳудудда жойлашганлигига қарамай, илм-фан, маданият ва адабиётнинг умумий юксалишига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Масалан, XIII—XIV аср бошида яшаб ўтган шоир ва йирик муаррих Абу Сулаймон ал-Банокатий «Тарихи Банокатий» деган асар ёзиб қолдирган бўлиб, бу асар дунё мамлакатларининг тарихини ёритишга бағишланган. Тошкентда XIV асрда олим ва хаттот Жамшид Шоший яшаб, фаолият юритган. Кўплаб олим-



Ҳаммом. XV аср охири — XVI аср боши. Қазिशмалар.



Тошкент. Ҳаммом. XV аср охири — XVI аср боши. Нақши нигорли
кошин плиталар.



VII асрдаги Усмон Мусҳафи. Амир Тему́р томонидан келтирилган.




Зайниддин (бобо) Орифоний мақбараси. XII-XV-XIX асрлар.

ларнинг асарларига, шу жумладан араб тили грамматикасига бағишланган асарларга шарҳлар ёзган файласуф, филолог, шоир Ҳомиддин Тошкандий, XIII аср охирида Шарқнинг таниқли шоирларидан бири бўлган Бадриддин Чочий ҳам Шошда туғилган.

Темурийлар даврида Тошкентда ўзига хос интеллектуал муҳит юзага келади. XV асрнинг йирик олимлари, шоирлари, меъмор ва мусаввирларидан кўплари Тошкентда бир неча бор бўлишган. Жумладан, Абдурахмон Жомий тошкентлик шоирлар ва мусаввирлар билан дўстона муносабатда бўлган. XVI асрда файласуф, шоир ва сатирик Зайниддин Восифий ҳам Тошкентга келиб, бу ерда ўзининг иккинчи ватанини топган. Тошкент ҳақида мадҳиялар ҳамда қимматли тарихий асарлар ёзиб қолдирган.

Шу даврнинг ўзида Кайковус (Калковуз) канали бўйида Муҳаммад Қафғол Шоший мақбараси ёнида мемориал



Кўкалдош мадрасаси. XVI аср.

мажмуа юзага келди. Бароқхон мадрасаси, Намозгоҳ масжиди қурилди. Шаҳар марказида Кўкалдош мадрасаси барпо этилди.

Тез-тез такрорланиб турган ўзаро урушлар, кўчманчи қабилаларнинг ҳужумлари, шаҳарнинг босиб олиниб, талон-торож этилиши, табиийки, иқтисодиёт, маданият ва шаҳар ҳаётининг ривожланишига тўсқинлик қилди ва охиروқибат XVII асрда таназзулга олиб келди.

XVIII аср бошлари оғир ва нотинч кечди. Лекин ушбу юз йилликнинг охири шаҳар ҳаёти қайта тикланган давр бўлди. Тошкентда бошқарувнинг Шарқ учун ўта ғаройиб саналган тизими таркиб топди. Тадқиқотчилар унга «Чорқоқимлик республикаси» дея ном берганлар. Бу дегани ҳокимлар шаҳардаги тўрт даҳа — Себзор, Кўкча, Шайхонтоҳур ва

Бешёғоч даҳаларининг вакили ҳисобланарди. Ҳокимларнинг ҳокимият учун рақобат курашида Шайхонтоҳур даҳасининг бошлиғи Юнусхўжа ютиб чиқади ва у ягона ҳукмдорга айланиб, Тошкент давлатини барпо этади. Ушбу давлат ўз мақомини мустаҳкамлаб, ҳатто чегараларини кенгайтириш ҳаракатларини олиб борди. Лекин Қўқон хонлиги билан тўқнашув мустақилликнинг бой берилишига олиб келди. Тошкент қўқонликлар ҳокимияти таркибига кирган бўлса-да, таслим бўлиб қолмади ва доимо Қўқон хонлигига қарши қўзғолон кўтариб турди.

XIX аср ўрталарига келиб Ўрта Осиё хонликларини ижтимоий-иқтисодий таназзул қамраб олди. Бу эса Россия империясининг ушбу минтақага нисбатан ўз стратегик режасини амалга оширишига ва Қўқон хонлигини босиб олишига имкон туғдирди. Ана шу даврда Тошкент қўшни давлатлар — Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Россия билан алоқа олиб бориладиган асосий марказлардан бири эди.

Бу пайтда шаҳар 32 кв. чақирим майдонни эгаллаган, 12 та дарвозаси: шимоли-шарқий қисмида Лабзак ва Қашқар дарвозалари, шарқий қисмида — Қўқон, Қайтмас, Бешёғоч, жануби-шарқида — Камолон, жанубида — Самарқанд, ғарбида — Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасув ва шимолида Тахтапул дарвозаси мавжуд эди.

Шаҳар аҳолиси Бўзсувдан сув ичган. Ундан 12 асосий ариқ тарқалган. Шаҳарнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi арафасида унинг аҳолиси 100 минг кишига яқин бўлган. Аҳолининг ижтимоий таркиби хилма-хил: йирик заминдор, савдогар, дунёвий ва руҳоний шахслардан тортиб, ҳунармандларгача бўлган. Шаҳар кўплаб тўқув-йигирув устахоналари, ёғочга ва металлга ишлов берувчи корхоналари, кўнчилик, кулолчилик ва тўқимачилик ишлаб чиқариши билан шуҳрат қозонган. Ўша даврда Тошкентда 400 га яқин масжид, 10 та мадраса фаолият юритган. Шаҳарни Қўқон хони томонидан тайинланган бек бошқарган. Ша-

ҳарнинг турт даҳаси: Кўкча, Бешёғоч, Шайхонтоҳур, Себзор даҳаларини бошқарувчи мингбошилар ўз навбатида бекка бўйсунтишган. Ҳар бир даҳа кўплаб маҳаллаларга бўлинган, уларни юзбошилар бошқаришган. Н.А.Маевнинг ёзишича, 1876 йилга келиб Тошкентда 149 та маҳалла мавжуд эди.

XIX асрга тегишли манбаларда зикр этилишича, ҳар бир маҳаллада 50 дан 150 гача оила яшаган. Маҳаллаларнинг номи уларда яшайдиган аҳоли шуғулланадиган ҳунар номига (масалан — Пичоқчилик, Дегрез, Этикдўз) ёки этник таркибига (Ўзбекмаҳалла, Тожикмаҳалла) монанд бўлган. Айрим номлар эса жой рельефи ва мазкур жойнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан (Каттаҳовуз, Чукуркўприк, Баландмасжид ва бошқалар).

Тошкентда кўпгина бозорлар бўлиб, улар шаҳарнинг энг гавжум жойлари ҳисобланган. Эски Жўва, Чорсу, Регистон ва Каппон бозорлари энг йириклари бўлган. Эски шаҳар марказида жойлашган Регистон бозори шаҳарнинг ҳар бир дарвозаси билан кўчалар орқали боғланган. XIX асрдаги Тошкент топографиясини ўрганган Н.Г. Малицкийнинг фикрича, бозорларнинг бу тариқа жойлашиши азалдан ички ва ташқи савдонинг ривожланишига мос тушган.

XIX асрда Марказий Осиё бўйлаб саёҳат қилган ҳамда 1873 йилда Тошкентга келган америкалик Южин Скайлер шундай деб ёзган эди: «Осиёдаги биронта ҳам шаҳар Эски Тошкент сингари турфа хил эмас. Унинг кўчалари фаройиб тарзда эгри-бугри бўлиб, улардан борар экансиз, дам юқорига кўтариласиз, дам пастга тушасиз, тўсатдан қандайдир деворга рўбарў келасиз ёки минораси осмонўпар масжиднинг ёғоч пештоқи олдидан чиқиб қоласиз. Баъзида чуқур жарликнинг ёки сув устида осилиб турган ночоргина кўприк лабига келиб қоласиз. Ҳамма жойда деворлар ёқасида дарахтлар бўй чўзган, зеро боғ-роғлар бу ерда ҳаддан зиёд кўп. Ёки бирор-бир муюлиш сизни қандайдир тегирмон ёнига олиб чиқадики, унинг овози анча олисдан ҳам эшитилиб туради». Ю. Скайлерни маҳаллий тегирмонларнинг тузили-

ши ғоят қизиқтирган. «Сув тарнов бўйича қуйилиб, улкан ғилдиракни айлантеришга мажбур қилади, унинг ўқи катта-катта ёғоч тишлар билан таъминланган. Унга ёғоч балкалар ўрнатилган. Ғилдиракнинг айланишига қараб, улар тишлар атрофида бир-бирининг ортидан қуйига қараб силжийди ва унинг болға шаклидаги бошқа бир учини ўғурга уриб, донни майдалайди. Тегирмоннинг бундай тузилиши, шубҳасиз, қадим даврларда пайдо бўлган ва бир неча асрларни ўз бошидан кечирган».

У эски шаҳарни тавсифлар экан, «Анҳор орқали кўприкдан ўтишингиз билан баққолчилик дўконлари келади, сўнг дегрезлар устахоналари, тўқимачилик мануфактураси ҳамда янги бўялган ип калавалари ёйиб қуритилаётган девор бошланади, пиёда киши рўпарасида бозорга кириладиган асосий йўлни ажратиб турувчи ғаройиб Бекларбеги мадрасаси пайдо бўлади», деб қайд этган. «Бу бутун шаҳар ҳаётининг сеҳрловчи томони бўлиб, у ерда ўрта асрлардаги шаҳарнинг томир уруши сезилади. Мадраса олдидаги пешайвондан энг асосий каттакон бозорнинг бутун манзараси намоён бўлади. Мабодо гўё бўз тупроқли кенг ялангликка ўхшаб кўринган узоқликка разм солсангиз, дўконлар ва уйларнинг юпқа томлари кўзга ташланади, бу ерда ўт-ўланлар кўкариб турибди, бозор эса гўё ўнгирлар этагида жойлашган. Улар, ўз навбатида, масжид бинолари туфайли кўркам тус олган, уларнинг олдида эса ҳаммом гумбазлари. Ҳар бир кўчада ўзига хос касб-корлик мужассам, мана, шойи сотувчилар кўчаси, нарироқда эса — заргарлар, мана бу ерда эса жездан идишлар тайёрловчи усталар ишламоқда. У ер-бу ерда карвонсаройларнинг дарвозасини кўриш мумкин, у ерда савдо идоралари, меҳмонхоналар ва омборлар жойлашган, дўконлар ва пештахталар томи енгил қамиш бўйралар билан ёпилган, дори моддалар сотиладиган жойлар шифти остида шифобахш гиёҳлар новдаси осиб қўйилган. Бу ерда иссиқ кўмирда кабоб тайёрланади. Нарироқда чойхона, нон сотиладиган жой. Ун-

дан сал юқорида сотувчи болаларни қанд лавлагидан тай-ёрланган яхна шарбат ичишга чорламоқда.

Ҳар бир дўкон бир ёки иккита кичик хонадан иборат бўлиб, уларнинг эшиги кўча тарафга ланг очиб қўйилган, сотувчи эса гиламда ёки бўйра-бордон устида ўтирганча ўз молларини сотади. Харидорлар эса кўчада ёки бўсағада қоладилар, кўпинча от-улов устидан ҳам тушмайдилар».

Ю. Скайлер ҳам ўрта асрларга мансуб муаллифлар каби Тошкент тўғрисида тўлқинланиб ёзар экан, унинг теваарак-атрофидаги боғ-роғлар шаҳарни бутунлай буркаб олганини таъкидлайди. «Гарчи руслар кириб келганда боғ-роғлар анча талафот кўрган бўлса-да, ҳамон ажойиб кўринишга эга. Яр-маркалар ҳамда ҳарбий парад ва машқлар ўтказиш учун жой ҳозирлаш мақсадида кўплаб дарахтлар кесиб ташланган. Уларнинг аксарияти ёқилғи учун ҳам кесилган. Кўмирнинг баҳоси қимматлиги учун арзон ёқилғи тариқасида маҳаллий боғлардаги мевали дарахтларни, хусусан, ўрик, шафтоли, олча дарахтларини арралаб, ёқишни хуш кўрадилар».

Генерал М.Г. Черняев томонидан Тошкентни эгаллаш учун 1864 йил 27 сентябрда амалга оширилган илк уриниш муваффақиятсиз тугади. Шу давр муаррихи Муҳаммад Солиҳ Қори Тошкандийнинг маълумотларига кўра, Эшон Қорабошхўжа бошчилигидаги шаҳар оқсоқоллари Эшонқулидодхоҳ мадрасасига тўпланиб, таслим бўлмасликка ва Тошкентни мудофаа этишга азму қарор қилишади. Тошкентликлар ўз шаҳарлари учун қаҳрамонларча жанг қиладилар. Ўз қўшини билан етиб келган Амирлашкар Мулла Алимқул Черняев отрядига қақшатқич зарба беради, натижада душман Чимкент томон чекинишга мажбур бўлади. Унинг Тошкентга иккинчи юриши пайтида (1865 й.) шаҳарда ҳали балоғатга етмаган Кўқон хони Султон Саиднинг регенти (ноиб) — Амирлашкар Мулла Алимқул раҳнамолигида 6000 кишилик қўшин тўпланади. Тошкент ҳокими шаҳарликларни мудофаага сафарбар этади. Шаҳар турли мудофаа иншоотлари билан мустаҳкамланади. 3000 кишидан иборат отряд Бўзсув бошланадиган Чирчиқ дарёси бўйида, шаҳардан 25

чақирим шимоли-шарқ томонда жойлашган Ниёзбек тўғонини ҳимоя қилади. Бироқ ёвнинг ҳарбий қурол-аслаҳаси таққослаб бўлмас даражада кучли эди. М.Г. Черняев Тошкентни таслим бўлишга кўндириш учун Ниёзбек қалъаси ёнидан ўтган Бўзсув ариғини тўсиб қўйиб, шаҳарни сувсиз қолдиради.

1865 йил 25 апрелда генерал М.Г. Черняев 1960 нафар солдатдан иборат отряд билан 12 та тўп ёрдамида Ниёзбек қалъасини эгаллайди ва унда мустаҳкам ўрнашиб олади. 7 май куни Черняев қўшинлари Тошкентга яқинлашиб келади ва 9 майда шаҳардан 8 чақирим нарида, Россия қўшинлари лагер бўлиб турган Шўртепа деган жойда Қўқон ва рус қўшинлари ўртасида жанглар бошланади.

Шу куни қаҳрамонларча жанг қилган Амирлашкар Алимқул оғир яраланади ва кўп ўтмай вафот этади. Муҳаммад Солиҳнинг гувоҳлик беришича, Алимқулнинг довюраклигига М.П. Черняевнинг ўзи ҳам лол қолган ва уруш тутагач, унинг Шайхонтоҳурдаги қабрини зиёрат қилган. Рус қўшинларининг кучли ва тезкор ҳужумидан сўнг, ўз ҳарбий лашкарбошисидан жудо бўлган Қўқон гарнизони чекина бошлаган.

Тошкентликлар Султон Саидни Тошкент хони этиб сайлаб, сўнгра ёрдам сўраб Бухоро амирига мурожаат қиладилар ва амирнинг илтимосига биноан хонни унинг ҳузурига йўллайдилар. Бухородан келиши эҳтимол тутилган мадад йўлини тўсиш учун Черняев Чиноз қишлоғи ёнида Сирдарёдан ўтадиган кўприкни эгаллаб, уни вайрон қилади. Кўп ўтмай, Тошкентнинг 42 кунлик қамали бошланади.

Россия қўшинлари 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси янгитдан ҳужумга ўтадилар. 15 ва 16 июнь кунлари кўча жанглари давом этади. Кўплаб уйлар ёндириб юборилади. Тошкентни ҳимоя этаётган кучларга Бухоро амири томонидан бир кичик отрядга етакчи қилиб юборилган Искандарбек раҳбарлик қилади. Ниҳоят, 16 июнь куни кечга яқин шаҳар таслим бўлишга мажбур бўлади. Шаҳар аҳолиси аёнлари номидан Тошкент гўё Россия империясига ўз ихтиёри

билан қўшилганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжат тайёрланади. Шаҳар ҳайъатининг Солиҳбек Охунд раҳбарлигидаги 6 нафар вакили уни имзолашдан бош тортгани учун Сибирга сургун қилинади.

1865 йил 29 августда Тошкент Россия империяси таркибига қўшиб олингани расман эълон қилинди.

1867 йил 11 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинди. Бу пайтга келиб, рус қўшинлари Хўжанд, Ўратепа, Жиззах шаҳарларини ҳам босиб олди. Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё ва Еттисой вилоятларидан иборат эди. 1868 йилда Самарқандга яқин жойда Бухоро амири қўшинлари билан бўлган жанглардан сўнг шаҳар қўлга киритилди ва бу вилоят ҳам Туркистон генерал-губернаторлигига қўшилди. Тошкент бир вақтнинг ўзида губернаторлик ҳамда Сирдарё вилояти маркази ва генерал-губернатор қароргоҳи бўлиб қолди. Шу йилнинг ўзида Анхорнинг сўл соҳилида янги шаҳар қурилиши бошланди, у ерда кейинчалик подшо амалдорлари, зобитлари ва рус аҳолиси вакиллари яшай бошлади. Шу пайтдан эътиборан шаҳар Эски ва Янги Тошкентга бўлинди.

1876 йилда Қўқон хонлиги бекор қилинди, унинг ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти тузилди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги мустақиллигини йўқотиб, Россия империясига қарам бўлиб қолди.

1867 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Ўлканинг маъмурий тузилиши ҳарбий-халқ бошқарувига асосланиб, ҳокимият рус ҳарбий маъмурияти томонидан амалга оширилар, маҳаллий аҳолини бошқариш учун эса маъмурий бўлинма — волостларда унинг таркибидан волост бошқарувчилари сайланарди. Тошкент аҳолисининг кўпчилиги ва савдо-сотиқда алоҳида ўринга эга бўлганлиги учун бевосита Сирдарё ҳарбий губернаторига бўйсунар эди. Тошкентда ҳарбий губернатор томонидан тайинланган бошлиқ раҳбар эди.

Чор маъмурияти томонидан Туркистонда маъмурий, суд, солиқ борасида амалга оширилган қайта ташкил этишлар

аниқ-яққол мустамлакачилик хусусиятини касб этган эди. Маҳаллий аҳоли сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилганча қолаверди. Барча йиғимлар ва солиқлар подшо ғазнасига бориб тушарди.

1877 йилда Тошкентда шаҳар хўжалиги ишлари бўйича низом жорий этилди. Уни Шаҳар думаси бошқарди. Дума таркибига 72 овоз берувчи аъзо сайланди.

XIX асрнинг 70—90-йилларида Тошкент Ўрта Осиёнинг йирик савдо, саноат ва маданий марказига айланди. Шаҳарнинг ички ва ташқи савдо обороти тез суръатлар билан ривожланди. Капиталистик саноат корхоналари пайдо бўлди, маданият-маърифат муассасалари вужудга келди.

Янги саноат корхоналари, савдо идоралари ва маданий-маърифий муассасалар шаҳарнинг янги қисмида жамланди.

Тошкент генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан сўнг янги Тошкент тез суръатлар билан равноқ топа бошлади. Эски шаҳар эса деярли қайта қурилмади. Янги инфра-тузилма ва ижтимоий хизмат кўрсатиш маҳаллий аҳолига тааллуқли эмас эди. Туркистоннинг бошқа шаҳарлари сингари Тошкентга ҳам Россиядан ерсиз деҳқонлар аста-секин кўчиб кела бошлади. Уларга энг яхши ерлар ажратиб берилди, иш учун шароит яратилди. Улар бу ерда подшо маъмуриятининг таянчи бўлиб қолди.

1897 йилда аҳолини умумий рўйхатга олиш маълумотларига кўра Тошкентнинг доимий аҳолиси 155673 кишидан иборат бўлиб, шундан 85214 нафари эркаklar ва 67559 нафари аёллар эди.

1904 йилга келиб аҳоли сони 170 минг кишига кўпайди. Шундан 40 минг нафар кишигина янги шаҳарда яшар эди.

Янги шаҳар бунёд бўлган дастлабки кунлардан бошлаб бу ерда қатор савдо ва саноат муассасалари вужудга келди. Келгинди ва маҳаллий савдогарлар ҳамда ишбилармонлар бу ерда озиқ-овқат ва атторлик дўконлари, саноат корхоналари, энг аввало, вино ишлаб чиқариш ва пиво пишириш заводлари, тамаки ва гутурт фабрикалари, йирик тегирмонлар, макарон фабрикаси, совун ишлаб чиқариш ва гишт за-

водлари оча бошладилар. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари очила бошлади. Улар чарм тайёрлаш, пахта тозалаш ва мой заводлари бўлиб, уларнинг маҳсулотлари метрополияга олиб кетиларди. Россия империяси учун пахта алоҳида аҳамият касб этар эди. Ўрта Осиё босиб олинishi туфайли Россия ушбу арзон хом ашёнинг эгаси бўлиб қолди ва шу даврдан бошлаб Туркистонда пахта монополиясига асос солинди.

80-йилларда Лахтин Тошкентда биринчи пахта тозалаш заводини очди. Ундан сўнг бошқа савдогарлар ўз заводларини очдилар.

XIX аср охирига келиб, Тошкентда 7 та пахта заводи мавжуд эди. Пахтачиликнинг ўсиши билан пахта чигити асосида ишлайдиган ёғ-мой заводлари пайдо бўлди. Биринчи йирик мой заводи 1884 йида юзага келди ва унинг йиллик маҳсулоти 30 минг пудни ташкил этди.

1885 йилда шаҳарда ишчиларининг умумий сони 365 киши, ялпи маҳсулоти 680,6 минг сўмлик бўлган 27 саноат корхонаси ишлаб турар, улардан 25 таси рус капиталистларига тегишли эди.

Отлар билан ҳаракатланадиган темир йўл транспорти — конка XX аср бошида шаҳарда пайдо бўлган муҳим транспорт воситаларидан бири эди.

1899 йилда Самарқанд—Андижон темир йўлининг Тошкентга қадар етказилиши шаҳар тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Темир йўл Тошкентни Каспий соҳиллари билан боғлабгина қолмай, шаҳарда янги йирик корхоналар пайдо бўлишига ҳам олиб келди. Оренбург—Тошкент темир йўли қурилиши бошлангач, шаҳар ўлканинг энг гавжум масканларидан бирига айланди.

Бироқ ўлканинг туб аҳолиси манфаатлари эътиборга олинмасди. Туркистон миллий бойликларининг жадал ўзлаштирилиши омманинг қашшоқлашувига олиб келди. Чунки ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини қамраб олган капиталлашув сабабли завод ишлаб чиқариши билан рақобатга чидай олмаган кўплаб маҳаллий ишбилармонлар

касодга учради. Бу даврда ўқув ва диний муассасалар подшо маъмуриятининг алоҳида назорати остида эди. Буларнинг барчаси, ниҳоят, халқнинг ғазабини қўзғатди.

Туркистоннинг қўллаб бошқа шаҳарларидаги сингари Тошкентда ҳам подшо империясининг мустамлакачилик режимига қарши қўзғолонлар бўлиб турди. 1892 йилда «Вабо исёни» деб ном олган қўзғолон бўлиб ўтди. Бутун Туркистонни қамраб олган 1916 йилдаги энг йирик қўзғолонлардан бири подшонинг Туркистон туб аҳолиси эркак вакиллари фронт бўйи минтақаларидаги фронторти ишларига сафарбар қилиш тўғрисидаги фармони сабабли бошланиб кетди. Бу қўзғолон Тошкентда Россияга сафарбар этилган яқин кишилари — ўз боқувчилари ва ўғилларидан жудо бўлмасликни истаб бош кўтарган аёлларнинг ташаббуси билан бошланди ва Жиззах, Фарғона ҳамда ўлканинг бошқа вилоятларига ёйилди. Бу қўзғолонни бостириш натижа-сида унинг 3000 иштирокчиси судга берилди, улардан 20 нафари қатл этилди, 162 нафари каторга ишларига жўнатилди, қолганларига эса қамоқ жазоси берилди. Подшо маъмуриятининг қўзғолончиларни жазолаш бўйича кўрган бу кескин чоралари ўлканинг бутун илгор жамоатчилигини, айниқса, янгиланиш ва ислохотларга интилаётган прогрессив кайфиятдаги қисмини қаттиқ ғазаблантирди.

Бу пайтда Тошкентнинг Туркистон аҳолиси учун анъанавий маънавий маданият маркази сифатидаги роли ортиб борди. Бу ерга Шарқда ва яқин атрофдаги мамлакатларда юзага келаётган ислохотчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабарлар тезда етиб келар эди. Тошкент XIX аср охиридан бошлаб «жадидчилик» номи остида вужудга келаётган маърифатчилик ҳаракатининг маркази бўлиб қолди. «Жадид» — янги деган маънони билдиради.

Туркистоннинг илгор миллий зиёлилари ўлка ривожланган дунёдан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ортда қолганини, айти шу ҳолат мамлакат Россия империяси мустамлакаси бўлиб қолишининг сабаби эканини англашарди. Илгор зиёлилар Шарқ ва Ғарб маданиятининг энг яхши ютуқлари-

ни ўзлаштиришга интилиб, халқнинг турмуш даражасини ва маърифатини ривожланган мамлакатлардаги даражага қадар кўтариш ҳамда Туркистонда миллий-демократик давлат барпо этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди. Тошкент жаҳидчилик ҳаракатининг маркази бўлиб қолди ва бу ҳаракатга Маҳмудхўжа Бехбудий билан бирга тошкентлик таниқли сиёсий ва жамоат арбоби, журналист ва педагог Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлик қилди. Халқ орасида ўз билим-маърифати билан машҳур бўлган Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев, Саидрасул Саидазизов ва бошқалардан иборат Тошкентнинг илғор маҳаллий зиёлилари янги усулдаги мактаблар очиш, дарсликлар яратиш, театр гуруҳлари, маърифатчилик жамиятлари тузиш, газеталар нашр этиш ишига бошчилик қилишди. Тошкентда шундай мактаблардан биринчисини Мунавварқори Абдурашидхонов «Намуна» номи билан ташкил қилди. 1910 йилга келиб, Тошкентда жами 11 мактаб иш олиб борди. Тошкентда 1905—1906 йилларда «Тараққий» (муҳаррири Исмоил Обид), «Хуршид» (муҳаррири Мунавварқори Абдурашидов), «Шухрат» (муҳаррири Абдулла Авлоний), «Осиё» (муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров) газеталари нашр этилди. Тошкентлик тадбиркор Саидкаримбой Саидазимбой ўғли «Тужжор» газетасини нашр қилдира бошлади. Бу газеталар, чор маъмурияти бир неча марта ёпиб қўйишга ҳаракат қилганлигига қарамасдан, омманнинг кўзини очишда, уни маърифатли этишда катта роль ўйнади.

Ушбу маърифий ислохотлар аста-секин сиёсий вазифаларни кўзда тутувчи ҳаракатларга ўсиб ўтди, зеро сиёсий ўзгаришларсиз маданиятнинг тўлақонли ривожланишига эришиб бўлмасди. Туркистоннинг демократик кайфиятдаги илғор зиёлилари сиёсий партиялар ва жамиятлар ташкил эта бошладилар. Ана шундай партиялардан бири «Шўрои Исломия» деб аталиб, унга Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлик қилди. Мазкур партиялар Россиянинг федератив тузилмаси доирасида миллий мухторият тузишни ўз олди-

ларига мақсад қилиб қўйдилар. Бу жараёнлар 1917 йилдаги Февраль революциясидан кейин айниқса кучайди. Тошкентда янги газеталар: «Турон» (муҳаррири М. Афандизода ва А. Авлоний), «Улуғ Туркистон» (муҳаррири Кабир Бакиров), «Нажот» (муҳаррири Мунавварқори Абдурашидхонов), «Кенгаш» (муҳаррири Аҳмад Заки Валидий ва Мунавварқори Абдурашидхонов), «Шўрои Ислоҳ» (муҳаррири Абдулла Баттол), «Турк сўзи» (муҳаррири Темурбек Худоёрхонов) ва «Турк эли» чоп этила бошлади.

Тошкент большевиклар тўнтариши арафасида ва ундан кейин шиддатли сиёсий воқеалар марказига айланди. 1917 йил ноябрида ҳокимият большевиклар томонидан тортиб олинган, Туркистон демократлари большевиклар ҳокимиятининг амалда ижтимоий тенгликка зид бўлган, халққа қарши қаратилган фаолиятига кескин муносабатда бўлиб, Қўқон шаҳрида Туркистон мухторияти тузилганлигини эълон қилишди. Тошкент аҳолиси Туркистон мухториятини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаб, 1917 йил 13 декабрда митингга чиқди. Ушбу митингга 150 минг киши иштирок этди. Одамлар «Туркистон ўлкасига мухторият берилсин» деган шиорларни кўтариб намоёишга чиқдилар ва большевиклар ҳукуматидан республика суверенитетини тан олишни талаб қилдилар. Бироқ қизил аскарлар намоёишчиларга қарата ўқ уздилар ва 16 киши ҳалок бўлди. Туркистон мухторияти бундан олдинроқ ҳокимиятни эгаллаб олган большевиклар томонидан тормор қилинди.

1917 йил 28 октябрда темир йўл устахоналари ишчилари Тошкент большевиклар кенгаши аскарлари билан бирга қуролли тўнтаришни амалга оширдилар. Ноябрь ойи ўрталарида янги ҳукумат — Халқ Комиссарлари Кенгаши тузилди, унга маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади. 1919 йил 30 апрелда РСФСР таркибида Туркистон автоном республикаси тузилганлиги эълон қилинди, бироқ бу қуруқ гап эди. Тошкент ТАССР пойтахти деб

эълон қилинди. Большевиклар ҳарбий коммунизмининг маданий ва иқтисодий сиёсати халқ ҳўжалигидаги инқирозни чуқурлаштирди, 20-йилларда халқ зиёлиларининг вакиллари Назир Тўрақулов, Турар Рисқулов, Қайғусиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Иномжон Хидиралиевлар турли-туман лавозимларни эгаллаб, ижтимоий ва сиёсий тенглик учун курашдилар, марказ олдида халқ манфаатларини илгари сурдилар, ҳам республика, ҳам унинг пойтахтида ҳўжалик инқирозининг енгил кечиши учун саъй-ҳаракат қилдилар.

